

Юсуф ҚАРЗОВИЙ

ВАҚТГА ЭЪТИБОР



Куръони каримда ва суннатда вақтга ҳар томонлама ва турли шаклларда эътибор берилган. Шундай эътиборларнинг энг аввалида вақт ҳам Аллоҳнинг буюк бир неъматидир экани ва унинг аҳамиятини баён қилиш (ғояси) туради. Куръони карим вақт қадрининг буюклиги ҳамда Аллоҳнинг инсонга атаган фазлу карами кенглиги ҳақида баён қилиб: **«У доимо айланиб турувчи қуёш ва ойни ҳам сизлар учун бўйинсундирди (яъни, сизлар яхши яшашингиз учун тартиб-интизомга солиб қўйди). Яна у Зот кеча ва кундузни сизлар учун бўйинсундирди. Шунингдек, сизларга барча сўраган нарсаларингиздан ато этди. Агар сизлар Аллоҳнинг неъматларини санасангизлар, саноғига етолмайсизлар»** (Иброҳим, 33–34, мазмуни), дейди.

Ва яна айтади: **«У эслатма-ибрат олмоқчи бўлган ёки шукр қилмоқчи бўлган кишилар учун кеча ва кундузни (бир-бирининг) ўрнини босувчи қилиб қўйган зотдир»** (Фурқон, 62, мазмуни).

Яъни, Аллоҳ кечанинг ортидан кундуз ва кундузнинг ортидан кечани келадиган қилиб қўйди, демак, кимда-ким улардан бирини беҳуда амаллар билан ўтказса, иккинчисидан ўша қилган хатоларини тўғрилашига имкон бор. Вақтнинг аҳамиятини баён қилиб, Аллоҳ таоло Маккада нозил қилинган сураларни қасам билан бошлайди. Бунга мисол тариқасида «Вал-Лайл», «Вал-Фажр», «Ваз-Зуҳо», «Вал-Аср» кибиларни олиш мумкин. Мазкур сураларни кўздан кечирсак, Аллоҳнинг қуйидаги сўзларини ўқиймиз:

«(Борлиқни ўз зулмати билан) ўраб келаётган кечага қасам; Ёришиб-кўринган кундузга қасам» (Вал-Лайл, 1–2, мазмуни);

«Тонга қасам (Зулҳижжа ойидаги илк) ўн кечага қасам» (Вал-Фажр, 1–2, мазмуни);

«Чошгоҳ вақтига қасам (ўз зулмати билан чор атрофни) қоплаб-ўраб олган кечага қасам» (Ваз-Зуҳо, 1–2, мазмуни);

«Аср (вақти)га қасамки, (барча) инсон зиён-бахтсизликдадир» (Вал-Аср, 1–2, мазмуни).

Аллоҳ ўз махлуқларидан бирининг номи билан қасам ичиши у нарса ё ҳодисага инсонларнинг диққатини қаратиш ҳамда ўша қасам ичилган нарсанинг қадри ва манфаати буюклигини инсонларга билдириш ҳисобланишини муфассир олимлар тушунтиришган.

Пайғамбар суннатларида ҳам вақт қиймати алоҳида таъкидланади ва унинг Аллоҳ олдида қиймат кунда инсон бўйнидаги бир масъулият экани тасдиқлаб ўтилган. Ҳатто ҳисоб-китоб кунда ҳам бунда бериладиган асосий тўртта саволдан иккитаси ана шу вақт ҳақидадир.

Муоз ибн Жабалдан ривоят қилинишича, Пайғамбаримиз, соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Банда қиймат кунини тўрт хислатидан сўралмагунча бир қадам ҳам олдинга силжий олмайди. Бу саволлардан биринчиси — умрини нима билан ўтказгани; иккинчиси — ёшлик даврида нима билан машғул бўлгани; учинчиси — мол-дунёни қай йўсинда (қайси касб орқали) топгани ва нималарга сарфлагани; тўртинчиси — ўрганган илмига қандай амал қилгани сўралади».

Шунингдек, инсон умрининг ҳар бир давридан умумий равишда, ёшлик давридан эса, ўзига хос шаклда сўралади. Ёшлик умрининг бир бўлаги, лекин унинг бошқа даврлардан ажратиб турувчи ўзига хос қийматдор тарафи бор. У ғайрату шижоатга, ўткинчи мақсадларга тўла фаслдор ҳамда гўдаклик ва кексалик заифликлари орасидаги жисмоний қувватга тўлишган бир даврдир. Рум сураси 54-оятини мазмуни бундай: **«Аллоҳ шундай зотдирки, сизларни ночор нарсдан (яъни, бир томчи сувдан) яратди, сўнгра (сизлар учун) ночорликдан кейин куч-қувват (пайдо) қилди, сўнгра куч-қувватдан кейин яна ночорлик ва қариликни (пайдо) қилди...»**

Аъзамхон МУҲАММАДАЛИХОН ўғли
тайёрлади

МУНДАРИЖА

<i>Амри маъруф</i> Юсуф ҚАРЗОВИЙ Вақтга эътибор	1
<i>Шукрона</i> Абдусалом ВОСИЕВ Оғиримизни енгил қилишди	5
<i>Ислом ва олам</i> Дунёда қанча муслулмон бор	6
<i>Наҳйи мункар</i> Баҳодир КАРИМ Нега дуолар қабул бўлмайди?	8
<i>Мутолаа</i> Абу Ҳомид ҒАЗЗОЛИЙ «Ўлимни эслаш китоби»дан	11, 25
<i>Тафаккур</i> Яратилиш ҳикмати	14
<i>Имомларимиз</i> Анвар ҳожи ТУРСУН Муслулмон киши меҳр-муҳаббатли бўлади	16
<i>Шеърият</i> Мирзажон ҳожи ИСЛОМОВ Башар сарвари	19
<i>Фитрат</i> Аҳмад ТУРСУН Олмониялик Темур қори бўлмоқчи	23
<i>Тарих</i> Занги ота	24
<i>Мўъжиза</i> Илҳомжон ШУКУРОВ Қулоқни биламизми?	26
<i>Савоб</i> Аҳмад МУҲАММАД Китобларнинг иккинчи умри	28
<i>Мулоҳаза</i> Вафо ФАЙЗУЛЛО Аёлнинг уйга қайтиши	30
<i>Қадрият</i> Баҳодир НУРМУҲАММАД Гўзал бир хотира	32
МИРТЕМИР Кўкалдош	32

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

Журналимиз саҳифаларида
оят ва ҳадислар берилаётгани
учун уни ножоиз жойларга
ташламаслигингизни сўраймиз

Тил ва имло
Абдуқаҳҳор ШОШИЙ

4

ҲАР КИМ БИЛГАНИЧА ЁЗАВЕРАДИМИ

Диний атамаларнинг турли мақолаларда турлича ёзилаётгани ва турли китобларда турлича нашр этилаётгани зиё аҳлини анча шошириб қўймоқда. Масалан, Яратган Эгамизнинг исми гоҳ “Оллоҳ”, гоҳ “Аллоҳ” тарзида ёзилмоқда. Хўш, булардан қайси бири тўғри?!

Ислом ва олам

6

ДУНЁДА ҚАНЧА МУСУЛМОН БОР?



Энг сўнгги маълумотларга қўра, буғунги кунда ер юзи аҳолисининг 1 миллиард 377 миллион нафари Ислом динига эътиқод қилади.

Масала

Муҳаммад Шариф ЖУМАН

10

ХАЛО, ИСТИНЖО

Ҳожатни тик туриб, узрсиз яланғочланиб (ёпиқ жойда бўлса ҳам), қиблага юзланиб ёки қиблага орқа қилиб чиқариш, ёш болачаларни ҳам мазкур ҳолатларда тўсиш таҳримий макруҳдир.

Хабарлар

12

ИСЛОМ ВА ОЛАМ



Африқо эмлашга қарши

Нигериянинг шимолий қисмидаги Кано ва Замфара штатлари ҳукуматларининг фикрича фарблик ҳомийлар томонидан берилган дори-дармонлар келажакда африқолик ёшларда бепуштлиқни келтириб чиқариши мумкин экан.

Мўъжиза

Илҳомжон ШУКУРОВ

26

ҚУЛОҚНИ БИЛАМИЗМИ?

Турли ҳароратдаги сув ёки қўлнинг намлиги терига текканида, бир жиҳатдан, томирларнинг ҳаракати осонлашади, иккинчи томондан, эндигина буғилиб, тикилиб қолган томирлар яна очилиб кетади.

Мулоҳаза

Вафо ФАЙЗУЛЛО

30

АЁЛНИНГ УЙГА ҚАЙТИШИ

Аёл доим кўчада экан, унинг эри, болалари ҳаётида бир бўшлиқ пайдо бўлади. Бу бўшлиқнинг ўрнини ҳеч ким тўлдиролмайди. Фақат аёлнинг уйга қайтиши бу бўшлиқни тўлдириши мумкин...

«HIDOYAT»

Ойлик диний-ижтимоий,
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

Таҳрир ҳайъати

Абдурашид қори БАҲРОМ
Абдулазиз МАНСУР
Абдураззоқ ЮНУС
Анвар ТУРСУН
Дурбек РАҲИМЖОНОВ
Муҳаммад Шариф ЖУМАН
Юсуфжон ИСҲОҚ
Эркин МАЛИК
Абдул Жалил ХЎЖАМ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Муҳаммад Собит САЛОҲИДДИН
Исомиддин ОЛИМ ШАЙХ

Муқовани

Абдулбоқи ИМОМХОН ўғли,
Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОҲ ўғли тайёрлашди.
Тартибловчи
Қудратуллоҳ ЖУМА ўғли
Матни
Юлдуз КОМИЛ қизи
терди.

Манзилимиз: 700069, Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани Навоий кўчаси, 46-уй;
Тел: 49-18-26, 42-08-07.
Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида
рўйхатга олинган.
Гувоҳнома рақами 170

Босишга 2004 йил 23 мартда рухсат берилди.
Босмахонага 2004 йил 26 мартда топширилди.
Қоғоз бичими 84x108^{1/16}. Адади 8000 нусха. 90-сон буюртма. «КО'НИ NUR» МЧЖда босилди.
Манзили: Тошкент, Муқимий к., 178-уй.
Интернет почтаи: hidoyat@ars-inform.uz

Баҳоси келишилган нарҳда.
Макет асл нусхаси Pentium-IV
компютерида саҳифаланди.


Қўлзмалар қайтарилмайди, тақриз қилинмайди.
Мақолалар хат орқали юборилганида исми шарифлар тўлиқ
ёзилиши, манзил аниқ кўрсатилиши шарт.

ҲАР КИМ БИЛГАНИЧА ЁЗАВЕРАДИМИ?

“Ҳидоят” ойнамаси тахририятига

Мамлакатимизда ягона ва исми жисмига мос ойнамангиз олдида қўйган эзгу мақсадларни амалга ошириш йўлида тинмай ижод қилаётгани, ҳеч бир муболағасиз, қувончли ҳолдир. Унинг саҳифаларида босилаётган қимматбаҳо маълумотлар илму ирфон сари интилаётган ўқувчиларни бефарқ қолдирмаслиги ўн тўрт кунлик ойдек ҳаммага аёндыр. Диний-ижтимоий ва илмий-адабий мавзуларга бағишланган мақолалар ойнама муштарийларининг илмларига илм, билимларига билим қўшиб, ҳидоят нуридан баҳраманд бўлишларига хизмат қилиб келмоқда. Бундай ҳолис ниятли ойнама ижодкорларига сидқидилдан парвозлар тилаб қоламан.

Шу муносабат билан сиз азизлардан яна бир хайрли ишга бош қўшишингизни ўгиниб сўрайман. Ўзингизга маълум, мустақиллик шарофати билан динимиз манбалари, кўп илмий-оммабоп китоблар чоп этиляпти, газета-журнал, мақолалар эълон қилиняпти. Бу ҳол учун, албатта, ҳар қанча



Жонкуяр муаллифимиз, муҳтарам устоз Абдуқаҳҳор Шоший бугун биз қалам аҳли учун ниҳоятда долзарб бўлган бир амалий муаммони кўтарибдилар. Дарҳақиқат, бу иккита-учта сўзнинг қандай ёзилиши ҳақидаги майда масала эмас, балки халқимизнинг умумий саводхонлигига бориб тақаладиган йирик масаладир.

Бир пайтлар Ўзбекистон мусулмонлари идораси “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газети (1993 йили) орқали диний истилоҳлар ёзувини бир хиллаштиришга келишиш борасида мутассади ташкилот ва шахсларга махсус мурожаат қилган эди. Афсуски, ўшанда иш охирига етказилмади. Муаммо муаммолигича қолди. Боз устига, диний адабиёт нашри тобора кўпайиши билан имло баттар чалкашиб кетди. Аммо аҳвол бундай давом этиши мумкин эмас. Масалани атрофлича муҳокама қилиб, охирида талаффуз ва имлога оид муайян бир қоида ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этилмасин деб бўлмайди. Бундай қоидага айниқса биз матбуот ходимлари, ноширлар жуда-жуда муҳтожмиз.

шукр қилса арзийди. Аммо диний атамаларнинг турли мақолаларда турлича ёзилаётгани ва турли китобларда турлича нашр этилаётгани зиё аҳлини анча шошириб қўймоқда. Масалан, Яратган Эгамизнинг исми гоҳ “Оллоҳ”, гоҳ “Аллоҳ” тарзида ёзиламоқда. Хўш, булардан қайси бири тўғри?! Буни ким аниқлайди ва ким жавоб беради? Ёки ҳар ким ўзи билганича ёки ўзи истаганича ёзиб кетаверадиими?!

Менинг фикримча, бундай ҳархилликларга чек қўядиган вақт етиб келди. Акс ҳолда, диний атамалар борасида саводсизлик авж олиб кетиши ва лотин алифбосига тўла ўтилгач, уларни ислоҳ қилиш мумкин бўлмай қолиши хавфи ҳозирда ноқ сезиляпти. Шунинг учун мен “Ҳидоят” саҳифасида диний атамаларга бағишланган бир рукн очилишини ва бу рукнда нафақат диний уламоларни ёки арабшуносларни, балки адабиётшунос ва тилшунос олимларни ҳам жалб этиб, у ёки бу диний атама юзасидан баҳс-мунозара олиб борилишини таклиф қилган бўлур эдим. Ҳар бир диний атама юзасидан томонларнинг далил-ҳужжатлари илмий нуқтаи назардан чоғиштирилганидан сўнг бир қарор қабул қилинса яхши. Шу мақсадда ойнама ҳузурида “Диний атамалар ҳайъати” ташкил этилишини ва унга мутахассис олимлар жалб этилишини тавсия қиламан.

Сизларга ҳурмат ва эҳтиром билан
Абдуқаҳҳор ШОШИЙ

ҚОИДАГА МУҲТОЖМИЗ

Шу муносабат билан “Ҳидоят” журнали тахририяти 2004 йил 1-сонидан эътиборан “Тил ва имло” номида янги мунозара рукнини очади ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамда тахририят номидан ЎзРФА Тил ва адабиёт илмий-текшириш ҳамда Шарқшунослик илмий-тадқиқот институтларини, республикамиздаги барча олий ўқув юртларининг тил ва имло билан шуғулланувчи бўлимларини, олий ва ўрта-махсус Ислом билим юртлари мударрислари, ёзувчию уламолар, ноширлару матбуот ходимлари ва, умуман, шу соҳанинг жонкуяри ва билимдони бўлган, тилимизнинг бу ҳолатига бефарқ қарамайдиган барчани ушбу мунозарада қизгин иштирок этишга чақиради. Фикр-мулоҳазаларингизни ёзиб юборинг. Улар “Ҳидоят” саҳифаларида чоп этилганидан ташқари мунозара якунида шу масалага бағишлаб ўтказиладиган илмий-амалий анжуманда алоҳида кўриб ҳам чиқилади, иншааллоҳ.

Шундай қилиб, “Тил ва имло” рукнимиз сиз азизларнинг тавсияларингизга мунтазир.

Тахририят



ди. Ҳатто Ҳарамга яқин жойда турганлар ҳам бизчалик хотиржамлик туймаган бўлсалар керак.

Тарвия куни Минога чиқишда, Арафотда, Муздалифада элликбошилардан ташқари ошпазлар, шифокорлар ҳар доим ҳолимиздан хабардор бўлиб, оғиримизни енгил қилиб туришди.

Буларни айтишдан мақсадим нима? Аслида ҳаж ибодати озгина бўлса ҳам заҳмат-машаққат билан адо этилса, савоби кўп бўлмайдими? Ўзимча хулоса қилдимки, шунчалик ғамхўрлик кўриб турса, энди ибодатни ҳам шунга яраша қилмасам уят-ку, деб ўйлаб қоларкан киши. Чиндан ҳам Ҳарамда бемалол, хотиржам тавоф, саъй

ОҒИРИМИЗНИ ЕНГИЛ ҚИЛИШДИ

Аллоҳ берган неъматларга шукр қилиш бу неъматларнинг янада зиёда қилинишига сабаб бўлади. Бу нарса бир ояти каримада очиқ айтилган: **“Берган неъматларимга шукр қилсангизлар, албатта (уларни янада) зиёда қилурман”** (*Иброҳим, 7, мазмуни*). Аллоҳга беадад шукрки, мустақиллик шарофати билан ҳар йили тўрт мингга яқин юртдошларимиз ҳаж ибодатини ўтаб қайтишмоқда.

Алҳамдулиллаҳ, менга ҳам ўтган мавсумда ҳаж ибодатини ўташ насиб этди.

Бу ўринда юртдошларимизнинг ҳаж сафари ташкилотчилари қилаётган хайрли ишлар ҳақида икки оғиз дил сўзимни айтмоқчи эдим. Тўғриси, рўйхатга олишдан бошлаб, элликбошиларни тайинлаш, ҳаж арконларини ўргатиш, ҳужжатларни тахтлаб, тайёрларга чиқариш, меҳмонхоналарни тайёрлаб, ҳожиларимизнинг Ҳарамга бориш-келишлари учун автобусларни доимо шай қилиб туришда ишчи гуруҳ аъзоларининг меҳнатларини кўриб, жуда таъсирландим.

Масалан, биз жўнаб кетадиган кунимиз хоразмлик ҳожиларни кутиб, Тошкент тайёрагоҳида бир неча соат туриб қолдик. Ишчи гуруҳ аъзолари шу ердаёқ бизга ғамхўрликлар қилишиб, ҳожиларимизни, айниқса, кексаларни толиқтирмаслик чораларини кўришди. Юкларимизни ортиш, егиб борган жойда тартиб билан қўлимизга келтириб бериш, оғирларини кўтаришиш ишлари намунали бажарилди.

Мадинаи мунавварага етгунча йўлларда тўхтаб, таҳоратни янгилаб, намозларни ўз вақтида адо этиб бордик. Ҳар доим чанқаганларга сув, очиққанларга таом тайёр эди. Катта меҳр-илтифот кўрдик, алҳамдулиллаҳ.

Ҳарамнинг яқинидан жой олинбди, икки кун Масжидун Набавийда мириқиб ибодатлар қилдик.

Маккада эса, қўнган меҳмонхонамиз Азиязия деган жойда эди. Ҳарамдан ўн-ўн икки чақирим узоқда. Аммо кечаю кундуз автобуслар шай тур-

қилиб, зикр-тасбеҳ айтиб ўтиришимизга шулар сабабчи бўлишди. Уларнинг ҳақларига дуо қилай, деб ўзингизни масъул, ҳушёр сезиб қоларкансиз. Албатта, тўрт минг кишининг ҳаж сафарини камчиликсиз ўтказиш осон эмас. Қийинчиликлар, баъзи хатолар бўлиши табиий. Аммо бу хизмат йилдан-йил яхшиланиб бормоқда. Масалан, бу йил ҳаждан қайтиш кунлари юкларимизни меҳмонхонанинг ўзидаёқ қабул қилиб олишди. Бу бизга катта енгиллик бўлди.

Хуллас, мен ҳаж давомида ўзлари ҳам ихром кийиб фарз, вожиб амалларни адо этиш билан бирга, ҳожиларимизга сидқидилдан хизмат қилган ишчи гуруҳи аъзоларидан, элликбошилардан беҳад миннатдорман.

Абдусалом ҳожи ВОСИЕВ,
“Кўкалдош” мадрасаси мударрисси



ДУНЁДА ҚАНЧА МУСУЛМОН БОР?

Хурматли “Ҳидоят” таҳририяти ходимлари! Муслмон бўлганим учун дунёда қанча диндошларим борлиги мени анчадан буён қизиқтириб келади. Аммо муслмонлар сони турли нашрларда ҳар хил ёзилапти. Шу ҳақда аниқроқ маълумот берсангиз. Салом билан

Муҳаммадамин ХЎЖАМБЕРДИЕВ,

Наманган, 2-Ахсикент мавзеи

* * *

Дарҳақиқат, дунёдаги муслмонлар адади нашрларда турлича берилляпти. Яқинда газетлардан бирида бундан ўттиз йил аввалги ҳисоб бўйича 800 милён нафар деб эълон қилинди. Ваҳоланки, тарих фанлари номзоди



3. Мунавваров: “Азия и Африка сегодня” (Масков) журналинги 1989 йил 10-сонида босилган тадқиқотида ер юзида



	Мамлакат	жами аҳолиси	муслмонлар
1.	Австралия	19.400.000	155.000
2.	Австрия	8.100.000	400.000
3.	Албания	3.400.000	2.380.000
4.	Аргентина	37.500.000	1.000.000
5.	Арманистон	3.800.000	114.000
6.	Афғонистон	26.800.000	26.600.000
7.	АҚШ	284.500.000	3.980.000
8.	Бангладеш	133.500.000	110.800.000
9.	Баҳрайн	700.000	630.000
10.	Белгия	10.300.000	410.000
11.	Бенин	6.600.000	1.000.000
12.	Бир-н Араб Амир-ри	3.300.000	3.168.000
13.	Булғористон	8.100.000	1.200.000
14.	Босна-Ҳерсек	3.400.000	1.400.000
15.	Бруней	300.000	200.000
16.	Буркина Фасо	12.300.000	6.200.000
17.	Буюк Британия	60.000.000	3.000.000
18.	Вэтнам	78.700.000	1.500.000
19.	Габон	1.200.000	12.000
20.	Гамбия	1.400.000	1.260.000
21.	Гайана	700.000	105.000
22.	Гвинея	7.600.000	6.500.000
23.	Гвинея-Бисау	1.200.000	360.000
24.	Гибралтар	29.500	2800
25.	Юнонистон	10.900.000	55.000
26.	Гуржистон	5.500.000	605.000
27.	Жазоир	31.600.000	31.300.000
28.	Жан. Африқо Респ-си	43.600.000	650.000
29.	Жибути	600.000	564.000
30.	Зимбабве	11.400.000	100.000
31.	Индонезия	214.000.000	192.600.000
32.	Иордания	5.200.000	4.300.000
33.	Ироқ	23.600.000	22.400.000
34.	Испания	39.800.000	500.000
35.	Исроил	6.400.000	615.000
36.	Италия	57.800.000	4.060.000
37.	Камбужа	13.100.000	145.000
38.	Камерун	15.800.000	3.500.000
39.	Канада	31.000.000	500.000
40.	Қатар	600.000	570.000
41.	Кения	900.000	420.000
42.	Кипр	29.800.000	5.700.000
43.	Котд Ивуар	16.400.000	3.770.000
44.	Комор ороллари	600.000	516.000
45.	Конго Дем. Респ-си	53.600.000	5.400.000
46.	Конго Респ-си	3.100.000	62.000
47.	Кувайт	2.300.000	2.200.000
48.	Либерия	3.200.000	640.000
49.	Лубнон	4.300.000	2.500.000
50.	Ливия	5.339.000	5.141.000
51.	Маврикий	1.200.000	204.000
52.	Мавритания	2.700.000	2.650.000
53.	Мадагаскар	16.400.000	1.148.000
54.	Майотта	170.000	153.000
55.	Македония	2.000.000	600.000
56.	Малави	10.500.000	2.100.000

57.	Малайзия	22.700.000	12.500.000
58.	Малдив	300.000	300.000
59.	Мали	11.000.000	9.900.000
60.	Малта	400.000	3000
61.	Марк. Африқо Респ-си	3.600.000	540.000
62.	Марокаш	29.200.000	29.000.000
63.	Миср	69.800.000	62.800.000
64.	Мозамбик	19.400.000	1.938.000
65.	Мянма	47.800.000	3.000.000
66.	Непал	23.500.000	705.000
67.	Нигер	10.400.000	8.320.000
68.	Нигерия	126.600.000	63.300.000
69.	Нидерландия	16.000.000	960.000
70.	Озарбойжон	8.100.000	7.100.000
71.	Олмония	82.200.000	4.100.000
72.	Покистон	145.000.000	137.700.000
73.	Полша	38.600.000	31.000
74.	Реюнион	721.000	300.000
75.	Руанда	7.300.000	74.000
76.	Руминия	22.400.000	1.120.000
77.	Русия	145.000.000.	20.000.000
78.	Саудия Арабистони	21.100.000	21.100.000
79.	Сенегал	9.700.000	8.924.000
80.	Серра Леоне	5.400.000	2.160.000
81.	Сербия ва Черногор	10.700.000	1.070.000
82.	Сингапур	4.100.000	810.000
83.	Словения	2.000.000	20.000
84.	Сомали	7.500.000	7.290.000
85.	Судан	31.800.000	22.260.000
86.	Суринам	400.000	80.000
87.	Сурия	17.100.000	14.200.000
88.	Таиланд	62.400.000	5.000.000
89.	Тайван	22.500.000	750.000
90.	Танзания	36.200.000	10.100.000
91.	Того	6.200.000	5.300.000
92.	Тожикистон	5.200.000	780.000
93.	Тринидад ва Тобаго	1.300.000	78.000
94.	Тунис	9.700.000	9.430.000
95.	Туркия	66.300.000	66.085.000
96.	Туркменистон	5.500.000	5.000.000
97.	Уганда	24.000.000	3.840.000
98.	Украина	49.800.000	2.000.000
99.	Уммон	2.400.000	2.400.000
100.	Фижи	800.000	64.000
101.	Филиппин	77.200.000	6.660.000
102.	Франса	59.200.000	5.000.000
103.	Хитой	1.273.000.000	90.000.000
104.	Хорватия	4.700.000	90.000
105.	Чад	8.700.000	4.351.000
106.	Шветсия	8.900.000	90.000
107.	Швейтсария	7.300.000	200.000
108.	Шри Ланка	19.500.000	1.700.000
109.	Эритрея	4.300.000	2.150.000
110.	Эрон	66.100.000	66.000.000
111.	Эфиопия	65.400.000	22.890.000
112.	Яман	18.000.000	17.900.000
113.	Янги Зелландия	3.900.000	30.000
114.	Ўзбекистон	25.100.000	22.500.000
115.	Қирғизистон	5.000.000	3.700.000
116.	Қозоғистон	14.800.000	7.300.000
117.	Ҳиндистон	1.033.000.000	105.000.000



муслмонлар сони 1 миллиард 145 милён деб кўрсатади. Бу рақам Яман пойтахти Сано шаҳрида бўлиб ўтган халқаро илмий анжуманнинг якуний ҳужжатларидан олинган. Яна бир илмий нашр курамизда Ислом динидагилар сонини 1954 йилда 365 милён, 1964 йилда 450, 1978 йилда 907 милён бўлганини ёзади. **Энг сўнгги маълумотларга кўра, бугунги кунда ер юзи аҳолисининг 1 миллиард 377 милён нафари Ислом динига эътиқод қилади.** Уларнинг турли мамлакатлар бўйича жойлашуви қуйидаги жадвалда акс этган. Жадвал Масковдаги “Славянский дом книги” нашр этган “Дунё мамлакатлари” маълумотномаси



(2003), “АСТ-пресс”нинг “Дунё атласи” китоби (2003), “Мысл” нашриётининг “Дунё аҳолиси” маълумотномаси, шунингдек, интернет материаллари асосида тузилди.

Мазкур жадвал дунёдаги барча давлатларни қамраб олмаган. Бу ўринда кўрсатилмаган бошқа мамлакатларда ҳам муслмонлар яшайдилар. Шу боис ер юзида муслмонлар сони биз келтирган якуний ададдан кўп бўлиши табиийдир.

Аҳмад МУҲАММАД
тайёрлади

НЕГА ДУОЛАР ҚАБУЛ БЎЛМАЙДИ?

Халқимиз ичида Аллоҳга муқарраб инсонлар кўп бўлган. Бутун вужуди, қалби покиза, муттақий зотларнинг дуолари боис эл-юрт осойишта яшаган, дастурхонлари неъматларга тўлган. Ҳойнаҳой, сиз ҳам дуолари ижобат бўлган улўф зотлар хусусида эшитгандирсиз. Халқнинг: “Дуолар билан эл кўқарар, ёмғир билан ер кўқарар”, деган ҳикматларида ҳам бир олам маъно бор...

Бугунги ҳолатимизга назар солиб, гоҳ ўзимизга, баъзан қўшнимизга қараб ҳайратга тушамиз. Чунки қўллар дуога очилади, бироқ кўзлар олазрак кезинади. Тил бир хил дуоларни такрорлайди, хаёлимиз аллақерларда сарсон: Аслида, дуолар қабул бўлишининг энг муҳим шартларидан бири Аллоҳдан чин дилдан сўраш. Уй-хаёл турли-турли жойларда юрса-ю, тил қуруқ гулдираса, бундай ҳолатда дуоларимиз қабул бўлармикин?

Инсон зоти борки, ҳар доим, ҳар дақиқада Аллоҳ мададига муҳтождир. Гоҳ қалблар эриган, дил-дилдан Парвардигорга илтижо этилган бир камёб ҳолатлар содир бўлади, айнан шундай вазиятларда дуо ижобатидан умид бор.

Бизнинг жамиятимизда турли эътиқодий мезонлар асосида яшаётган одамлар кўп: ибодатли-ибодатсиз, тақволи-тақвосиз, иймонли-иймонсиз... Ибодатсиз, иймонсиз кимса қандай қилиб, қайси юз билан Аллоҳга илтижо этади? Тўғри, бошига мусибат ёғилса, ишлари юришмаса, тижорати касодга учраса ва шунга ўхшаш ҳолатларда ибодатсиз кимсалар ҳам беихтиёр Яратувчини эслаб қоладилар. Дуо талабида бўладилар. Фақат ва фақат ўз манфаатлари, моддий эҳтиёжлари, бу дунёдаги шоҳона майшатлари учун дуо сўраб кимларгадир мурожаат ҳам қиладилар. Бу тоифа одамлар фарз нелигини, дунёнинг ўткинчилигини, имонсизларнинг дўзахга тушишини, имонли-эътиқодли инсонлар учун жаннатлар ҳозирлаб қўйилганини билмайдими? Бирор даврда шу мавзуда сўз очилса, куч-қуввати, ёшлигини ёки кексайганида ибодатга ўтишини ичидан айтиб ўтиради. Айримлар эса бундай гапларни эшитмасликка олади, эшитган тақдирда ҳам уларга чўпчак деб қарайди.

Аллоҳни танимаган, ғафлат уйқусида ётган қалб эгаларининг дуолари қабул бўлмайди. Шу мазмунда ҳадислар бор.

Ибн Умардан (р.а.) ривоят қилинган бир ҳадисда Расулulloҳ

(с.а.в.) бундай деганлар: “Ким дуосининг қабул бўлишини ва ғамлардан фориг бўлишини истаса, муҳтож кимсаларга ёрдам берсин”.

Аллоҳдан умидвор банд дуоларининг қабул бўлиш шартлари бор:

1. Луқмаи ҳалол дуолар қабул бўлишининг энг муҳим шартларидан бири саналади. Ҳалол луқма билан вужуди озиқланган мўмин кишининг қалби ёруғ, юзи нурли бўлади. Ҳаром луқма қалбни қорайтиради, фикрни чалғитади, Аллоҳдан узоклаштиради, ҳатто Аллоҳни унуттиради. Ҳалол луқма инсоннинг ичкарисини гўзаллаштиради, поклайди.

2. Айни чоқда, дуогўйнинг устидаги кийим-кечаги ҳам покиза бўлиши керак. Бу ҳам муҳим шарт.

3. Мўмин киши Аллоҳдан нимани сўраган бўлса, унинг қалби айнан шу нарса билан машғул бўлиши ва дуогўйда шу дуосининг ижобати-га тўла-тўқис ишонч бўлиши лозим.

Биз инсонлар ожизмиз, хатокормиз. Дуо қилиб, умид этамиз. Тавба-тазарруъ қиламиз. “Энди бу дуоларим қабул бўлмаяпти, шекилли”, деган шубҳадан умидворлик доимо устун келиши керак. Чунки қабул бўлиш ёки бўлмаслик сири ёлғиз Аллоҳга аёндыр. Эҳтимол, уларнинг ижобати қиёмат кунини учун заҳирага қолдирилгандир.

Дуолар ижобати бойликка, куч-қувватга, насабу мансабга ва ҳатто баъзан илмга ҳам асло боғлиқ бўлмаслигини англаш керак.

Воқеа: Фозил ака деган очиққўнгил бир табишим бор. Уч-тўрт йил олдин ҳажга бориб кел-



ди (Аллоҳ қабул қилсин). Таассуротларини сўйлади ҳаяжонланиб. Мавзуга тегишли ўринларни ёзиб ўтаман:

“Худога шукр, ҳалоллик билан тирикчилик ўтказдим. Сомсапазлик, маҳсидўзлик қилдим, тижорат билан шуғулландим. Ҳозир иссиқхонада памидор-бодринг етиштириб сотаман...”

Намозларимда дуолар қилдим: “Эй Аллоҳим менга ҳам ҳаж ибодатини насиб қилгин”. Аллоҳга

осон-да! Қўлим узайди. Бордим. Энди ҳаж мавсумида, айниқса, Каъба атрофида одам жуда кўп бўлар экан. Ҳамма бутун вужуди билан ибодатга шўнгиган. Бу ибодатнинг ўзига яраша машаққати ҳам, хузур-ҳаловати ҳам бор-да. Каъбаи муаззама атрофида “лаббайка” айтиб айланамиз. Энди мен Расулulloҳнинг (с.а.в.) ҳажарул асвадни ўпганларини олимлардан эшитган эдим. Ҳаж ибодати кунлари шу гўзал амални ҳам адо этишни ўйлаб юрдим.

Бироқ буни бажариш амримаҳолдек гўё. Ҳажарул асвадга яқинлашиш жуда қийин. Жуссам кичкина-да. Гўё ҳамма мени турткилайди, четга суради. Хўрлигим келади. Энди нима қилдим? «Нима қилардинг, Фозил, — дедим ўзимга ўзим, — дуо қиласан...» Қўл очиб: «Эй Аллоҳим, шу ҳажарул асвадни мен ҳам бир ўпайин. Аллоҳим, ўзингдан бошқа ёрдамчим йўқ», дедим. Шу дуодан сўнг қарасам, менга икки баробар келадиган басавлат учтўрт занжи мусулмон биродарларимиз изига эргашиб қолибман. Қай тарафга кетаётганим ҳам яхши ангашилмайроқ қолди. Кетавердим. Таваккал. Аммо бир пайт қарасам, Каъбанинг шундай бурчагида, шундайгина ҳажарул асвад ёнида турибман... Ўпиб ўпиб олдим. Аллоҳга шукр”.

Дуоларнинг ижобат бўлиши хусусида Абу Лайс ас-Самарқандийнинг “Танбеҳул-ғофилин” китобида қуйидаги танбеҳлар келади:

Бир ҳақимдан сўраган экан: «Биз дуо қиламиз, лекин дуоларимиз ижобат бўлмайди. Аллоҳ таоло: “**Менга илтижо — дуо қилинлар, Мен сизларга** (қилган дуоларингизни) **мустажоб қилурман**”, деб айтган-ку?!»

Ҳақим айтибди: “Сиздаги етти хислат дуоларингизнинг ижобатини манъ қилади”.

“Қайси хислатлар?”

Ҳақим жавоб берибди:

“Парвардигорим, мени ва зурриётимдан (бўлган болаларимни) намозни тўқис адо этгувчи қилгил. Парвардигоро, дуоимни қабул айла.

Парвардигоро, ҳисоб-китоб қилинадиган (Қиёмат) Куни мени, ота-онамни ва барча мўминларни мағфират қилгил” (Иброҳим, 40—41, мазмуни).

* * *

(Эй Муҳаммад алайҳиссалом), **айтинг: “Агар дуо-илтижо қилмас экансизлар, Парвардигорим сизларга парво қилмас” (Фурқон, 77, мазмуни).**

“Сизлар Раббингизни ғазаблантирасизлар, аммо Унинг ризосини талаб қилмайсизлар, яъни, Аллоҳнинг ғазаби вожиб бўладиган ишларинг учун пушаймон қилмайсизлар.

Бизлар Аллоҳнинг бандаларимиз, дейсизлар, аммо банданинг ишини қилмайсизлар, яъни, банд хўжаси буюрганни бажаради ва Унинг амридан чиқмайди.

Сизлар Қуръонни ўқийсизлар, лекин унга эргашмайсизлар, яъни, тафаккур ва таъзим билан ўқимайсизлар, буйруқларига амал қилмайсизлар.

Биз Муҳаммаднинг (с.а.в.) умматимиз, дейсизлар-у, у зотнинг суннатига амал қилмайсизлар, яъни, сизлар одатларга ва расм-русумларга амал қилиб, суннатга эргашмайсизлар.

Сизлар дунёни яланғоч деб айтасизлар, аммо унга ишониб қолгансизлар.

Сизлар ҳаром ва шубҳали луқма ейсизлар. У икковидан

қайтмайсизлар. Охират дунёдан яхшироқ, дейсизлар, лекин охират талабида ҳаракат қилмайсизлар ва охиратдан кўра дунёни кўпроқ хоҳлайсизлар”.

Бошқа бир ривоятда келишича, Саъд ибн Абу Ваққоснинг (р.а.) дуолари ижобат бўлмаётгани хусусидаги саволига Расулulloҳ (с.а.в.): “Эй Саъд, ҳаромдан сақлан, чунки қоринга бир луқма ҳаром кирса, банданинг дуоси қирқ кунгача қабул бўлмайди”, дея жавоб берган эканлар. Ҳалол луқмада гап кўп.

Биз мусулмонлар кўпинча қуръоний дуоларни ўқиймиз. Бу дуолар маъносини билишимиз керак. Шунингдек, бизнинг ўлкамизда ўзбек тилида шеърӣ оҳангга солиб, сажли қилиб айтиладиган дуолар ҳам бор. Шаръан бу тарзда дуо қилиш исломий одобларга мувофиқ келмайди. Биз учун дуонинг оҳанги, сажи, узун бўлиши эмас, балки самимийлиги, қабул ва ижобат бўлиши муҳимдир.

Эй биродар! Агар дуоларингиз қабул бўлаётган экан, сиз бахтлисиз, сизга ҳавас қиламан!

Эй нафсим! Дуоларим ижобатида умидсизликка тушсам, ўзимдан хафаман, ўзимдан айб излайман, ўзимни ислоҳ этаман, ўзга чора йўқ.

Баҳодир КАРИМ

Инсон сарфлаган вақтининг энг қадрлиси, кечирган умрининг энг тотлиси ибодатга сарфлаган вақтлари ва ибодатда кечирган онларидир. Зеро, ибодат вужуднинг сирри ва асл мақсаддир. Инсон Аллоҳга ибодат учун яратилган.

Ибодатнинг асоси имондир. Дунёда имон белгиси намоздир. Имонли кишининг намозни тарқ қилиши ножоиз. Намознинг мақбул бўлиш шартлари ва тўғри ўқилиши учун бажариладиган фарзлари, вожиблари, суннат ва одоблари бор. Шунингдек, намозни бузувчи ва унга зарар етказувчи ҳоллар ҳам мавжуд. Буларнинг барчасини мужтаҳид уламолар баён қилишган. Намознинг мақбул бўлиш шартларидан ярми тозалик, покликка даҳлдордир. Намоз ўқувчининг жисми, кийимлари ва намоз ўқийдиган жойи ҳар қандай нажасдан пок бўлиши шарт. Бу ишлар қай тартибда бажарилади? Мазкур масалаларга оид туркум мақолалар ўтган йиллари журналимиз саҳифаларида босилган эди. Аввало, такрорнинг фойдадан холи эмаслиги, Аллоҳнинг инояти билан жуда кўп ёшларимиз намозхонлар сафига қўшилаётганини эътиборга олиб, таҳорат ва намозга оид масалаларни қайта ёритишга қарор қилдик.

Аллоҳ таоло барчамизни яхши амалларга муваффақ қилсин. Омин.

ХАЛО, ИСТИБРО, ИСТИНЖО

Инсон хилқатан бир неча нарсаларга мубталодир. Ақли қусурли одам бу ҳолни унутиб, кибрланади. Инсон мубтало бўлган нарсалардан бири унинг ҳар куни бир неча бор ҳожатга чиқишга мажбурлигидир.

Динимизда инсон ҳаётининг барча ҳолатларининг, жумладан, ҳожат чиқаришнинг одоб ва ҳукмлари ҳам баён этилган.

Қандай жойларда ҳожат чиқариб бўлмайди?

Қабристон, йўларда, дарахтлар ости, ҳовуз, қудуқ, булоқ, ариқ ва дарё қирғоқлари, таҳорат олинадиган жойда; ер ва девор ёриқ-ковакларига, жониворлар инлари, шунингдек, шамолга қараб ҳожат чиқариб бўлмайди.

Халожойга қандай кириш ва қандай тозаланиш зарур?

Халожойга ҳожат танглиги кучаймасидан аввалроқ бориш лозим. Халога оят, ҳадис, Аллоҳ таоланинг ва пайғамбарларнинг номлари ёзилган нарсаларни олиб кириш мумкин эмас. Уларни таш-

қарида қолдириш керак. Халога бошьяланг кириш макруҳдир.

Хало эшигига етгач, “Бисмиллаҳ, Аллоҳим, мени ифлослардан ва озор берувчилардан асра”, дейилади. Ҳожатхонага чап оёқ билан кирилади, ўнг оёқ билан чиқилади. Ҳожат



жойига етмай, пастки кийим ечилмайди. Халода чап елкани қибла тарафга қилиб, аврат ва ифлос жойларга назар қилмай, оёқлар орасини кенг тутиб ўтирилади.

Ҳожатни тик туриб, узрсиз яланғочланиб (ёпиқ жойда бўлса ҳам), қиблага юзланиб ёки қиблага орқа қилиб чиқариш, ёш болачаларни ҳам мазкур ҳолатларда тўсиш таҳримий макруҳдир. Халога ёзиб-чизиш, атрофга аланглаш ва баданни ўйнаш

мумкин эмас. Халода фикҳ ва ўзга илмлар ҳақида фикр юритилмайди, саломга ва азонга жавоб қайтарилмайди. Бурун қоқилмайди. Йўталмасликка, тезроқ бўшанишга ҳаракат қилиш зарур.

Ҳожат ушатилагач, эркаклар турмасларидан, сийдик йўлини орқадан учига қараб сиқишлари керак. Орқа йўл чап қўл билан тоза кесак, тош, қиймати йўқ эски латга ёки эски пахта ёки маҳсус ҳожат қоғози билан артиб тозаланади.

Истибро нима? У қандай қилинади?

Истибро — сийдик йўлида бир томчи ҳам қолдирмай, тозаланишдир. Эркакларга истибро вожиб бўлади. Бунинг учун кийимни кўтариб ҳожат ўрнидан тургач, пешоб йўлига кесак тутиб юриш ё силкиниш ё йўталиш керак. Сийдик йўлида ҳеч нарса қолмаганига тўла ишонч ҳосил бўлагач, сув билан тозаланишга ўтилади.

Истинжо нима? У қандай қилинади?

Кесак каби нарсалар ё сув билан тозаланиш “истинжо”

дейилади. Сув билан тозаланиш суннат амалдир. Агар нажас йўли атрофига дирҳам миқдоридан (очиқ қўл кафтининг сув турадиган қисми) ошиқ ёйилган бўлса, ювиш вожиб бўлади. Истинжога кўмир, суяк, тезак, гишт, сопол, шиша, ёзувли қоғоз ва қийматли нарсаларни ишлатиш мумкин эмас.

Сув билан истинжо қилишдан олдин ва сўнг агар пок жой бўлса, тасмия, (бисмиллоҳ) айтилиб, қўллар бўғинлари билан уч бор ювилади. Қўлларга бирор нарса тегмаган бўлса, обдастан ювишда, чап қўл билан обдастинг пастки қисмидан ушлаб, тутқичини ушламасдан, қийшайтирилиб ўнг қўл уч бор чайилади. Сўнг ўнг қўл билан обдаста тутқичидан ушлаб, чап қўл уч бор чайилади. Кейин қўллар ҳилол қилинади. Агар қўллардан бирига бирор нарса теккан бўлса, энг аввал, ўша қўл мазкур тартибда ювилади.

Сув билан истинжо қилишда ҳам халода ўтирилган тартибда ўтирилади. Ўнг қўл билан обдастан охира жилдиралиб сув қуйилиб, чап қўл бармоқлари билан аввал сийдик чиққан жой, сўнг мақъад (ост) ювилади. Жимжилоғдан олдинги бармоқнинг қорни мақъадга қуйилиб, сув қуйиш билан аста-аста ишқаланади. Сўнгра лозим бўлса, жимжилоғ ва ўрта бармоқлар ҳам ювишга ёрдамлашади. Мақъад тоза бўлганига кўнгил таскин топгач, тоза латга билан мақъад артилади. Истинжо қилаётган киши, рўздор бўлмаса, ўзини бўш тутиб турмоғи керак.

Сув билан истинжо қилишга холи жой бўлмаса, истинжо қилинмайди. Зеро, авратни ёпиш ундан кўра муҳимроқдир.

Ҳожатхонани сув ёқаларига ё уйларга қуришни динимиз манъ қилади.

Ёш болачаларни идишга тўсиб, сўнг сувга оқизиш асло мумкин эмас.

Ел чиққанида, уйқудан турилганида сув билан истинжо қилинмайди.

Муҳаммад ШАРИФ ЖУМАН

Абу Ҳомид ҒАЗЗОЛИЙ

Дунёга ҳавас дардининг муолажаси

Баъзан инсон: “Ҳали йигит ёшида бўлсам, ўлим менга узоқ”, деган ўйда ёшлигига ортиқча ишонади. Ҳолбуки, “шўрлик бола” бутун шаҳардаги эркакларга нисбатан қариялар сони ўндан бир миқдордан ҳам камроқ эканлигини хаёлига келтирмайди. Ахир, ўлим ёшлар ичида кўпроқ бўлгани учун ҳам қариялар сони кам-ку?! Агар солиштирилса, битта кекса кишининг вафотига қадар мингта яқин гўдак ва ўспирин ҳаёт билан видолашади. Инсон ҳали жисмонан соғлом бўлгани учун ўлимни, ўлимнинг дафъатан келишини гўё узоқ муддатлардан кейин содир бўладиган ҳодиса деб билади, унинг яқинлигини ҳис қилмайди.

Гарчи, “ўлимнинг шарпаси ҳали узоқда”, деб ўзни ишонтирилса-да, дард, дарднинг тўсатдан келиши асло эҳтимолдан узоқ эмас. Балки, дафъатанлик ҳар қандай дард, ҳар қандай хасталикка хос хусусиятдир. Хасталикка чалинган кишининг соғлом кишига нисбатан ўлимга яқинлиги кўпчиликка аён ҳақиқат.

Кимки мана шулар ҳақида фикр юритса, гафлатдан огоҳлик сари қадам ташлаган бўлади. Огоҳ инсон ўлим учун йигитлик, қарилик, ўрта ёш ва ёз-қиш, куз-баҳор, эрта-кеч каби махсус вақтлар тайинланмаганини яхши билади. Ўлимни кўз олдида тутиб, доимо унга тайёргарлик билан машғул бўлади.

Аммо жаҳолат ва дунёга муҳаббат инсонни узун дунё ҳавасига, ўлимнинг яқинлигидан гофил қолишга ундайди.

Тўғри, баъзан нималарди сабаб бўлиб, у ўлимни эслаш бошлайди. Лекин инсон бу ҳодиса айнан ўзи билан содир бўлишига, бир кун ўзи ҳам албатта бу дунё билан хайрлашиши аниқ эканига жиддий қарамайди. У жаноза намозларига чиқади, марҳумларни сўнгги манзилига кузатади. Аммо ўзи ҳам яқинда шундай кузатилишини хаёлига келтирмайди. Чунки оёқлар ўзгаларнинг жанозаларига юришга одатланган, кўзлар ўзгалар ўлимни кўриб ўрганган. Шундай экан, инсон қандай қилиб ўзининг ўлимни тасаввур эта олсин?! Бу унга нотаниш ҳиссиёт. Негаки, у ҳали ўлмаган. Баъзан ўлимни эслаб қўйиш масаласига келсак, бу ўткинчи ҳолат. Инсон бу ҳолатдан тез чиқиб кетади, уни дарҳол унутади. Шунинг учун ўлимни англаш йўлида пайдо бўлган бу ҳолат ҳар сафар биринчи ва охириги ҳолат бўлиб қолаверади.

Банда бошқалар тақдирдан ўзи учун ибрат ола бошласа, унга маърифат эшиги очилади. Бу эшикдан кирган ориф эртага тобути кўтарилишини, жасади совуқ ва қоронғу лаҳадга қўйилиб, қаро ерга топширилишини, қабр оғзи хом гишт билан ёпилиб, одамлар қабрдан аста узоқлашишини тасаввур қилади. Буни англамаслик, англашни кечиктириш жаҳолатдан бошқа нарса эмас.

Дунёга муҳаббат оғир дард. Бу дарднинг муолажаси аввалгилару охирилари қийнаб келади. Шубҳасиз, бу дарднинг ягона давоси охират кунига, охиратда бериладиган қаттиқ азоб ва улғу савобларга иймон келтиришдир. Ишонч “яқийн” даражасига етганида, яъни шак-шубҳадан батамом халос бўлганида дунёга ҳавас туйғуси қалбдан кетади, қалбда ҳавасга жой қолмайди. Чунки қалбни ундан улканроқ муҳаббат эгаллайди.

*“Ўлимни эслаш китоби” дан
Абдурашид ЗОҲИД
таржимаси*

ИСЛОМ ВА ОЛАМ



Таиландда биринчи Ислом университети

Келгуси йил Таиландда биринчи Ислом университети очилади. У Мисрдаги дунёга машхур Ал-Азхар университети-нинг шохобчаси бўлади. Таиланд ташқи ишлар

вазири Сурокйарт Сатиротаининг айтишича, Миср, Бруней, Малайзия, Бирлашган Араб Амириклари ва Баҳрайн ҳукуматлари ушбу лойиҳани амалга оширишда ёрдам берадилар. Молиявий харажатларни кўтаришга Таиланднинг ўзи қодир. Гап техникавий таъминот ва ўқув режаларини ишлаб чиқиш ҳақида бормоқда.

Ҳозир Таиландда жуда кўп исломий мактаблар фаолият юритмоқда, бироқ бирорта ҳам олий таълим муассасаси йўқ. Мамлакат ички ишлар вазирлиги бошлиғи Муҳаммад Нур Матхоннинг таъкидлашича, бу мактабларнинг кўпи ҳозирги кунда миллий хавфсизликка таҳдид солувчи айрим тоифалар таъсирига тушиб қолган. Ал-Азхарнинг таълим борсидаги яхши анъаналари бу муаммони ҳал этиш имконини беради.

World News

Ислом тараққиёт банки қарори



Саудия Арабистонининг иқтисодиёт пойтахти Жидда шаҳрида Ислом тараққиёт банки (ИТБ) директорлар кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Кенгаш раҳбари доктор Аҳмад Муҳаммад Али бошчилигида ўтган йиғилишда турли мамлакатлардаги тараққиёт лойиҳаларини молиялаштириш учун 800 милён доллар ажратиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Ажратилган маблағдан бир қатор давлатларга қайтариб тўланмайдиган қарз бериш, шунингдек, айрим муҳим аҳамиятга эга халқаро савдо амалиётларини молиялаштириш кўзда тутилган. Шунингдек, зилзиладан талофат кўрган Бамга (Эрон) 201 милён доллар маблағ ажратилди.

IINA

Халқаро савдо ярмаркаси

2005 йилнинг феврал ойида Баҳрайнда халқаро исломий савдо ярмаркасини ўтказиш режалаштирилмоқда. Ярмарка давомида халқаро исломий бизнес-форум бўлиб ўтади. Мазкур анжуманда Баҳрайн савдо-саноат палатаси (ССП) билан бирга Ислом савдо тараққиёти маркази (Мароқаш), Ислом савдо-саноат палатаси (Қарочи) ҳам ташкилотчи сифатида қатнашадилар.

Баҳрайн ССП аъзоси Житхад Букмал айтишича, ярмаркага кўпгина Ислом давлатлари юқори технологияли маҳсулот олиб келишади. Буларнинг савдосини дарҳол йўлга қўйиш керак. Шу сабабли ярмарка иқтисодиётнинг барча соҳаларига очик бўлса-да, асосий эътибор хандон писта ва хурмога нисбатан мураккаброқ технологияли маҳсулотларга қаратилади.

Ислом савдо-саноат палатаси раиси Оқил Аҳмад Ясимнинг таъкидлашича, ярмаркадан кўзланган асосий мақсад Ислом давлатларидаги фирмалар ўртасида савдо айланмасини кенгайтиришидир. Ҳозирги кунда бу кўрсаткич ташқи савдонинг атиги ўн икки фоизини ташкил қилади. “Уларнинг аксарияти рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарса-да, ахборотлар тақчиллиги жиддий тўсиқ бўлмоқда. Режалаштирилаётган анжуманнинг мазкур бўшлиқни тўлдириши кутиляпти.

Islam.ru

Молия бозоридаги муносиб ўрин

Исломий банк тизими дунё молия бозорида янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Шаръий молия институтлари ҳам мунтазам равишда янгилашиб, тараққий этиб бормоқда. Улар дунёнинг 70 дан ортиқ давлатларида фаолият юритяпти. Ҳозир уларнинг умумий жамғармаси 250 миллиард долларни ташкил этиб, бу кўрсаткич ҳам йилдан-йил ортиб бормоқда.

APP

Ҳиндистон мутахассислари Мадинада

Саудия Арабистони тарихида кутилмаган воқеа содир бўлди. Биринчи марта мусулмон бўлмаган ҳиндистонлик мутахассислар гуруҳи муборак Мадина шаҳрига келди. Ҳиндистоннинг KRC (Konkan Railway Corporation) фирмаси Саудия Арабистони томонидан 500 милён долларлик лойиҳани бажаришга буюртма олди. Мазкур лойиҳага кўра, 30 километрга чўзилган яққарелсли йўл қуриб битказилиши керак.

KRC ижроия директори жаноб Рожарамнинг ай-

тишича, уларнинг таклифи қабул этилишига сабаб шуки, лойиҳада шаҳарнинг исломий обидалари муҳофазаси ва дахлсизлигига энг юксак даражада эътибор қаратилган.

“Times of India”

Кения ёрдамга муҳтож эмас

Кения мусулмонлари Вашингтоннинг мусулмон мактаб ва ўқув муассасаларини ташкил этиш, уларни молиялаштириш бўйича таклиф қилган ёрдамни рад этишди. Мамлакат мусулмонлари йўлбошчилари яқинда бу юртга келган Амриқо элчиси Уилям Беллам билан учрашувдан очиқданочиқ бош тортишди. “Вашингтоннинг самимийлигига ишониб бўлмайди, — дейди имом-хатиблар кенгаши котиби шайх Халифа. — Чамаси, бу ёрдам орқасида ўзларининг ғаразли мақсадларига эришиш учун ўқув режаси ва таълим жараёнлари устидан назорат ўрнатиш орқали ўқувчиларнинг онги ва қалбига таъсир кўрсатиш турганга ўхшайди”. У, шунингдек, АҚШ океан ортида туриб, Кения ҳукуматига кучли босим ўтказаетганини айтди. Мадрасаларнинг молиявий манбалари ҳақида тўлиқ маълумот беришни талаб этиб, мамлакат таълим вазирлиги чиқарган фармойиш буни исботлаб турибди, деб таъкидлади шайх Халифа.

“East Africa”

Исломга хизматлари учун

Суданлик истеъфодаги фелдмаршал Суар Ҳасан аз-Заҳаб мамлакатнинг йиллик “Исломга хизмати учун” мукофоти соҳиби бўлди. Судан армиясининг собиқ бош қўмондонни, 1986 йилда Судан президенти бўлган Суар Ҳасан аз-Заҳаб вазифасидан озод бўлгач, бутун умрини Ислом йўлида хизмат қилиш ва хайрия ишларига бағишлади. У узоқ йиллар мобайнида мамлакатдаги турли исломий ташкилотларга раҳбарлик қилди.

Бу ташкилотлар томонидан шу кунга қадар эллик бешта ўрта ва бир юз элликта бошланғич мактаб, икки минг масжид, ўн тўрт шифохона, тўққиз юзта клиника, бир юз йигирмата оналар ва болалар маркази, олти ногиронлар уйи қурилди. Шунингдек, Судан исломий ташкилотлари томонидан нафақат Африқо, балки Шарқий Оврупада ҳам мингдан ортиқ қудуқлар қазилди.

ИНА

Брунейда байрам

Дунёда энг кичик, айна чоқда энг бой мусулмон давлати ҳисобланган Бруней султонлиги мустақиллигининг 20 йиллигини нишонлади. Аҳолиси уч юз эллик минг кишидан ошиқроқ бўлган мамлакатда жуда катта нефт ва газ захиралари мавжуд. Шу боис халқнинг турмуш фаровонлиги, тиббиёт,

таълим ва бошқа ижтимоий соҳалар ривожини энг юксак даражада. Олти юз йилдан ошдики, мамлакатни Болкиах султонлари сулоласи бошқариб келяпти. Бруней 1888 йилдан 1959 йилгача Буюк Британияга қарам бўлган, ундан сўнг “ўзини ўзи бошқарувчи монархия”, деб эълон қилинган. 1984 йилда эса тўла мустақилликка эришди.

Юбилей муносабати билан табрик сўзида султон Ҳасан мамлакатдаги энг асосий вазифалардан бири саноатни ривожлантириш эканини таъкидлади. Шу боисдан ҳозир Брунейда дунёдаги энг катта денгиз портларидан бирини, алюминий комбинатини (АҚШ билан ҳамкорликда), шунингдек, каучукни қайта ишловчи Осиёдаги йирик заводлардан бирини қуриш режалари белгиланди.

World News.com

Катта «саккизлик» йиғилиши



Саккизта мусулмон давлатдан келган савдо экспертлари Техрон шаҳрида учрашишди. Катта исломий “саккизлик”ка Туркия, Бангладеш, Покистон, Миср, Индонезия, Малайзия, Нигерия ва Эрон мамлакатлари киради. Мутахассислар аввало ушбу норасмий ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш масалаларини кўриб чиқишди.

Катта исломий “саккизлик” 1998 йилда ташкил этилиб, иқтисодиёти етарлича ривожланган араб бўлмаган (Мисрдан ташқари) мусулмон давлатларини бирлаштирган эди. “Саккизлик” фаолиятининг асосий тамойиллари тинчлик, тенглик, адолат, музокара ва ҳамкорликдан иборат.


ИНА

Африқо эмлашга қарши

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ҳомийлиги билан Африқонинг ўнта мамлакатада бошланган аҳолини полиомиелитга қарши эмлаш ишлари тўхтатиб қўйилди. Нигериянинг шимолӣ қисмидаги Кано ва Замфара штатлари ҳукуматларининг ташаббуси билан шундай қарорга келинди. Чунки ғарблик ҳомийлар томонидан берилётган дори-дармонлар келажакда африқолик ёшларда бепушгликни келтириб чиқариши мумкин экан.

“Ота-оналар фарзандларини эмлатиш ёки эмлатмаслик ҳуқуқига эгадирлар, — дея маълум қилишди мазкур штатларнинг маъмуриятлари. — Лекин биз эм дори юзасидан Ҳиндистонда ўтказилган текшириш натижаларини кутамиз”.

Франс Пресс



Қийматли бир асарни ижод қилган санъаткор уни аввало ўзи томоша қилиши муҳаққаҳ. У, албатта, қобилиятининг гўзал маҳсулидан фахрланади. Айниқса, ижод қилган бу асарини санъатдан хабардор бўлган бошқаларга ҳам кўрсатишни, уларнинг ҳам ҳайрат ва тақдирлашларига эришиб, ўзини уларга тан олдиришни истайди. Ҳатто бу истак йўлида барча асарларнинг кўргазмасини ташкил этиши ҳам мумкин. Бундай туйғу деярли барча маҳорат соҳибларида мавжуд.

Жаноби Ҳақ ҳам Ўзининг чексиз, мукаммал ва гўзал сифатларини ва сифатларининг тажаллиларини, яъни, “Асмои ҳусна” деб аталадиган гўзал исмларининг жилваларини, яширин ва ниҳоясиз раҳмат хазиналарини, хилма-хил асарларини, ҳам Ўзи кўриб томоша қилишни, ҳам бошқа муштоқ томошабинларга кўрсатиш ва танитишни, севдириб, ҳамду сано айттиришни истади. Шу сабабли бу буюк, муҳташам Коинот Саройини, бу улкан яратилиш дарахтини, бу оламларни Қудрат ва Ҳикмати билан яратишни ирода этди.

Бу гоё ва ҳикматга бир қудсий ҳадисда қуйидагича ишора этилган: “Мен бир яширин хазина эдим. Билинмоқ ва танилмоқни истадим. Шу сабадан, мени танишлари ва яширин ка-

ҲИКМАТИ

молимни ва жамолимни билишлари учун махлуқотни яратдим”.

Бир ояти каримада эса, бу хусус ҳақида шундай марҳамат қилинади: **“Мен жин ва инсларни фақат (мени таниб) Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим”** (*Ваз-Зориёт, 56, мазмуни*)

Ояти каримада зикр қилинган **“лийъбудуни”**, яъни, **“Менга ибодат қилишлари учун”** калимасига Ибн Аббос, розийаллоху анху, **“лияърифуний”**, яъни **“Мени танишлари, билишлари учун”**, деган маъно берган. Оят таржимасидаги қавс ичида бу маънони ҳам эътиборга олдик. Ибн Аббоснинг бу тафсири юқоридаги қудсий ҳадиснинг маъносини мустаҳкамлайди. Бу ҳадис ва оят коинотни ва коинотдаги махлуқларни, хусусан, инсонни яратишдаги ҳикмат ва гоё Аллоҳни имон билан таниш ва Унга қуллик адо этиш орқали севишини билдириш эканини очиқ тушунтирмоқда.

Ер ва самовотнинг яратилиши

Қуръони карим Ер ва Кўкнинг олти кунда, дунёмининг эса икки кунда яратилганини баён қилган.

Баъзи кимсалар коинотнинг минг йиллар ичида майдонга келгани ҳақидаги фикрни илгари суриб, Қуръоннинг бу ҳукмини танқид қилишга уринадилар. Холбуки, бу оятларда “кун” деб аталган вақт бирлиги бизнинг тасаввуримиздаги йигирма тўрт соатлик дунё кунни эмас. Йигирма тўрт соатлик кун тушунчаси инсонлар томонидан Ер курамининг ўз ўқи атрофида бир марта айланишидан асос қилиб олинган вақт ўлчовидир. Ваҳоланки, коинотда ўз маркази атрофида бир айланишни минг йилларда зўрға тугатадиган юлдузлар ҳам мавжуд. Уларнинг бир кунни, яъни, ўз ўқлари атрофида бир марта айланишини бизнинг дунё ўлчовимиз билан ҳисобланса, минглаб йилларга тўғри келади. Қуръони каримда бизнинг ўлчовимиздаги кун билан минг, ҳаттоки эллик минг йилга тенг келадиган кунлар борлиги зикр этилган. Яна Қуръонда фаришталарнинг бу ҳисоби билан эллик минг кунга тенг бўлган бир кун (муддат ичи)да Аллоҳ(нинг даргоҳи)га юксалганлари ҳикоя қилинади.

Демак, Ер ва Кўкнинг яратилиши билан боғлиқ оятларда келган “кун” таъбири муддати фақат Аллоҳ билладиган “ДАВР” маъносидадир. Яъни, Аллоҳ Кўклар ва Ерни “ОЛТИ ДАВР” да яратган, Ер курамининг эса, “ИККИ ДАВР”да

яратиб, бугунги шаклни берган, деб тушунса бўлади.

Энди оятлар ва илм нури билан бу яратилиш босқичларига бир назар ташлайлик:

Жаноби Ҳақ дастлаб сув каби оқувчан хусусиятли ва коинотнинг ҳар тарафини қоплаган асир моддасини яратган. Ер ва Кўклар мана шу асир моддасидан яратилган. Қуръони каримнинг бир тафсирида бу яратилиш қуйидагича тушунтирилган:

“Шариат нақлига кўра, Жаноби Ҳақ олдин бир жавҳарни, бир моддани яратди (бу модда

носидаги бир оят ишора қилган ва мусбат илм ҳам тасдиқлагани каби, Куёш тизими ва дунё-миз Жаноби Ҳақнинг қудрати билан асир моддасидан қорилган бир хамир шаклида бирлашган эди. Асир моддаси бошқа моддаларга нисбатан сув каби оқувчан хусусиятга эга ва ҳамма жойга тарқалувчи бир моддадир. “**Ва кана ар-шуҳу ьалал маи**” ояти бу асир моддасига ишора этиб, “Жаноби Ҳақнинг Арши (оқувчанлик ва тарқалувчанлик қобилияти жиҳатидан) сувга ўхшаш (асир моддаси) устида эди”, демоқда.

Асир моддаси йўқдан яратилганидан сўнг Жа-

ноби Ҳақнинг хилма-хил махлуқларига илк бошланғич ва асос модда бўлди. Яъни, Буюк Аллоҳ асир моддасини яратганидан кейин уни ўзак модда, яъни атомлар ҳолига келтирди. Сўнгра бу аломатларни йиғиб, катталаштириб, ҳосил бўлган қисмларни бир-биридан ажратди. Бу қисмлар ичида илк кашф этилиб-ташқил топган қисми еримиз ҳисобланади.

Шунга кўра, коинотдаги юлдуз ва бошқа ҳаракатланувчи жисмлар узоқ муддат бир суюқ олов тўплами ҳолида

қолганидан ер юзи ҳаммасидан олдин кашф этилиб, қаттиқлашиб, тезда қобиқ ҳосил қилиб, жуда узоқ вақтлардан буён ҳаётга асос бўлган. Шу сабабдан унинг яратилиши ва ташқил топиши коинотдаги бошқа сайёралардан олдиндир.

Фақат Ер, юзининг ёйилиб, тузатилиши, зийнатлантирилиши ва инсон наслининг яшаши учун яроқли ҳолга келтирилиши осмонлар бутунлай ташқил қилиниб, тартибга солиниб, низомлар ўрнатилганидан кейин содир бўлган. “**Ерни ҳам осмонларни тартиб ва низомга солганидан кейин (эллипс шаклида) ёйиб текислади**”, маъносидаги ояти карима бу хусусга ишора этади.

“**Ер ва осмон ёпишган ҳолда эди, кейин биз уларни бир-биридан ажратдик**”, маъносидаги оятнинг ифодасидан яратилишнинг илк босқичларида ер ва осмон бир-бирига ёпишган ҳолда бўлгани, кейин эса бир-биридан ажратилгани тушунтирилади. Шундай қилиб, бу уч фикр (яъни, биринчиси, ернинг осмонлардан олдин яратилгани, иккинчиси, осмонларнинг ердан олдин яратилгани, учинчиси, ер ва осмоннинг олдин бир-бирига ёпишган ҳолда бўлиб, кейинчалик ажратилгани тўғрисидаги фикр) орасида зоҳирий зиддият йўқлиги маълум бўлмоқда.

Ҳамро Содиқ МУҲАММАДРАҲИМ ўғли
таржимаси

وَذَكِّرْ فَإِنَّ الذِّكْرَى تَنْفَعُ الْمُؤْمِنِينَ
وَمَا خَلَقْتُ الْجِنَّ وَالْإِنْسَ إِلَّا لِيَعْبُدُونِ

«**Ва (Қуръон билан) панд-насихат қилинг! Зеро, у панд-насихатлар мўминларга нафъ етказур “Мен жин ва инсларни фақат (мени таниб) Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим” (Ваз-Зориёт, 55–56, мазмуни)**

асир моддаси эканини айтдик). Сўнгра у моддага тажалли этиш орқали бир қисмини буҳор (газ)га, бир қисмини эса суюқликка айлантди. Кейин суюқлик қисмини катталаштириб, кўпик ҳолига келтирди. Хуллас, шу кўпикдан бизнинг дунёмиз яратилган. Кейин эса буҳор (буғсимон) ҳолатдаги қисмини ёйиб-очган ҳолда етти қат осмонни қурди ва юлдузларни унинг ичига жойлаштирди. Шу ҳолатда Самовот ташқил топди”.

Дунёмизнинг майдонга келиши ҳақида ҳозирги замонавий мусбат илм ўртага қўйган назария эса қуйидагича:

“Биз кўриб турган Куёш тизими (Куёш ва унга боғлиқ юлдузлар тўплами) оддий бир ўзак (жавҳара) эди. Сўнгра буғсимон моддага айланди. Яна бир муддатдан кейин у буҳордан суюқ олов ҳосил бўлди. Кейин у суюқ ҳолдаги олов совиб, қаттиқлашди. Бу қаттиқ қотишма шиддатли ҳаракат сабабидан ўзи ташқил топган баъзи катта-катта қисмларни атрофга сачратиб юборди. Вақт ўтиши билан у парчалар катталашиб, биз “сайёра” деб айтайдиган жисмлар юзага келди. Хуллас, бизнинг дунёмиз улардан бири ҳисобланади”.

Бу икки хил изоҳ орасида шундай бир уйғунлик борлигини кўришимиз мумкин:

“Самовот ва Ер бир-бирига ёпишган ҳолда эди. Сўнгра уларни бир-биридан ажратдик, маъ-

— Бисмиллаҳир роҳманир роҳим. Ассалому алайкум, “Ҳидоят” журнали мухлислари, Аллоҳ таоло ҳаммамизни ҳидоятида собит айласин. Бугунги суҳбатимиз Тошкент шаҳридаги масжидларимиз ва имом-хатибларимизнинг фаолияти, олдимиздаги вазифалар ҳақида бўлар экан, аввало, Аллоҳ таолога ҳамдлар айтамыз, истиқлол шарофати билан динимиз неча йиллик қатағондан сўнг ҳур бўлди. Қисқа муддатда биз Қуръони каримни, ҳадиси шарифларни ва шариатимиз аҳқомларини мукамал ўрганиш, энг муҳими, уларга амал қилиш бахтига эга бўлдик. Ислом динини ўрганиш учун, аввало, Қуръони каримни ва Расулulloҳнинг (с.а.в.) ҳадиси муборақларини, Ислом тарихини мукамал билиш керак. Шундагина киши комил мўмин бўлади. Шу маънода ҳозирги кунда катта ишлар қилинди.

Ҳамма нарса қиёсда билинади. Совет даврида Тошкент шаҳрида бор-йўғи 14 та масжид бўлган бўлса, улар ҳаддан ташқари ҳароб ҳолатда эди. Жамоти ҳам ҳаммаси қўшилганида ҳозирги битта кичкина масжидимиз жамоатига етмасди. Ўша пайтда ҳам виждон эркинлиги ҳақида гаплар айтиларди, аммо бунга амал қилинмасди. Алҳамдулиллаҳ, мустақилликдан сўнг дастлабки кунларданок асосий китобимиз Қуръони карим маъноларининг таржимаси, Имом Бухорийнинг “Саҳиҳ” тўпламларини она тилимизда ўқиш бахтига муяссар бўлдик.

Шу ўринда таъкидлаш керак, Ислом ақидаси, илми, маданиятини ўрганаётганимиз бой тарихимизни ҳам чуқур, ҳаққоний ўрганишимизга асос бўляпти. Ўтмишда уламоларимиз ҳам диний, ҳам дунёвий жиҳатдан улуғ зотлар бўлишган ва улар халқимиз орасида динни ёйиш, маърифат, кишиларнинг ахлоқ-одобини камолга етказиш учун катта хизматлар қилишган. Бундан бугун ҳамма эътироф қилияпти. Масалан, масжидимизга номла-

ри берилган Хожа Аҳрор Валий ҳазратларининг 600 йиллик тававалуд тўйларини нишонлаш арафасида турибмиз. Милодий XIV аср охири XV асрда бу кишининг обрўларини, бутун Туркистонда, Мовароуннаҳрда тинчлик, маърифат, тараққиёт учун қанчалар катта хизмат қилганларини бугун олиму уламоларимиз ҳам, давлатимиз ҳам юксак қадрляпти. У зот ҳақларида мақолалар ёзиляпти, кўрсатувлар бўляпти. Демокчиманки, истиқлол динимизни ўрганишга, яқин-яқингача ҳўрлаб келинган ўтмишимизни қадрлашимизга имконият яратди. Тошкент шаҳрида ҳозир 114 та жомеъ масжиди бор. Ҳаммасида катта жамоатлар билан жума намозлари ўқила-

Тошкент шаҳрида қилинаётган ишлар ҳақида гапирсангиз.

— Жуда ўринли савол бердингиз. Абдуҳолиқ Гиждувоний ҳазратлари гўзал бир ҳикматни айтган эканлар: “Қалбдаги муҳаббат ибодатдир”. Яъни, инсон қалбидидаги муҳаббат, одамларнинг бир-бирига бўлган муҳаббати ҳам ибодат даражасидадир. Демак, уламоларимиз, шайхларимиз, улуғларимиз инсоннинг инсонга бўлган муҳаббатини ибодат даражасига кўтаришган экан. Расулulloҳ (с.а.в.): “Ким раҳм қилмаса, раҳм кўрмайди” (яъни, Аллоҳ таоло раҳм-шафқат қилмайди), дедилар. Бундан келиб чиқадики, мусулмон кишининг меҳр-муҳаббатли бўлиши, ўзининг

МУСУЛМОН КИШИ

Тошкент шаҳар бош имом-хатиби

ди. Бундан ташқари яна 10 тадан ортиқ маҳалла масжиди ҳам катта масжидлар оталиғида ишлаб турибди. Яқинда Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан Тошкент шаҳрининг барча имом-хатиблари қайта синовдан ўтказилди. Бу тadbир имомларимиз масъулиятларини янада оширишларига сабаб бўлди.

Бугун халқимиз асосан, ёшларимиз турли диний масалаларни ватанимиздан етишиб чиққан уламоларимиздан, имом-хатибларимиздан сўраётганининг ўзи катта муваффақиятдир. Агар имомларимизнинг илмий савиялари қанча баланд, фаолиятлари ҳам қанча холис бўлса, ёшлар уларга интилади, ҳар хил йўлларга кетиб қолмайди. Бу жуда муҳим масала ва бу борада ҳам анча-мунча ютуқларга эришдик деб ўйлайман.

— **Бу йил мамлакатимизда меҳр ва мурувват йили деб эълон қилинди. Динимизнинг ахлоқий асосларидан бири ўзи меҳр ва мурувватдир. Яъни, масжидларимизга ва имомларимизга бу мавзу бегона эмас. Шу соҳада**

ихтиёридаги нарса эмас экан. Мусулмонликни даъво қилиятими, меҳр-муҳаббатли бўлиши шарт экан. Фазабли, кибрли ва шафқатсиз киши, гарчи кўп ибодат қиладиган одам бўлса ҳам, унда мунофиқлик аломати бўлади. Яъни, мусулмон одамнинг энг асосий фазилати бўлган унинг тақвоси ҳам муҳаббатига билинади. Аммо меҳр-мурувват дегани фақат моддий ёрдам кўрсатиш эмас. Бундай ишларни ҳам қилиш керак, лекин шунинг ўзигина меҳр-мурувватга далолат қилмайди. Инсон обрўини кўтариш, қадрини юксалтириш лозим. Қалблар бир-бирига боғланса, жамият тинч, юрт осойишта бўлади. Масжидларда шу нарсаларни имом домлаларимиз таъкидлаб айтишяпти, Расулulloҳнинг (с.а.в.) меҳр-мурувватлари, эҳсон, ҳада, тараҳҳумлари ҳақида ҳар жумада муттасил тушунтириб бориляпти ва натижаси ҳам бўляпти. Масжидга ёрдам сўраб келган муҳтожларга имкон етганча ёрдам қилинапти. Ҳисобот маъносида эмас-ку, ибрат маъносида айтадиган бўлсак, бунақа иш-

лар кўп бўляпти. Расулulloх (с.а.в.): “Ҳадялар беринглар, бир-бирларингизга муҳаббатларингиз зиёда бўлади”, деганлар.

Имом Ғаззолий “Ихё улум-мид-дин” китобида Имом Бухорий Ҳазрати Алидан (р.а.) ривоят қилган бир ҳадисни келтирибдилар: “Киши сарфлаганига яраша Аллоҳ таоло беради”. Ким яхшиликка мусобақа қилиб, етимгами, ногиронгами молини кўп сарфласа, Аллоҳ таоло унга бойлигини кўпайтириб беради, деб Расулulloх (с.а.в.) ваъда қилибдиларми, биз бунга албатта ишоншимиз ва мана бундай ҳадислардан таъсирланиб, муруватли бўлишимиз керак. Бува-бувиларимизни бир эслайлик: Ҳовлиларида

Анвар ҳожи Қўчқор ўғли. 1959 йили Тошкент шаҳрида туғилган. ТошДУнинг ўзбек филологияси факултетини 1981 йили тугаллаган. «Ёшлик» журнали тахририятида, ЎзФА қўлёзмалар институтида, ЎзФА Тил ва адабиёт илмий тадқиқот институтида ишлади. Имом ал-Бухорий номидаги Тошкент Олий Ислоҳ маъҳадини битирди. Бир неча йил «Янгиобод» жомеъ масжидида имом-хатиблик қилди. Ҳозирда Тошкент шаҳар бош имом-хатибидир.



қилиш, уларга Ислоҳ динини етказиш, дунё ва охирада саодатли бўлиш учун шариатимиз йўл-йўриқларига амал қилиш лозимлигини ўқдириш, бу иш-

ҳамдуллилоҳ, бунга озгина эришдик. Яқинда хизмат сафари билан биз Навоий, Қашқадарё вилоятларига, Қорақалпоғистон Республикасида ва яна кўп жой-

МЕҲР-МУҲАББАТЛИ БЎЛАДИ

Анвар ҳожи ҚўЧҚОР ўғли билан суҳбат

бир мева пишиб қолса дарров кўни-кўшнларга чиқаришган. Бу яхши одат қасқдан келган? Динимизнинг таълимотидан, албатта. Мана, ҳозир ҳам қари-яларимизда бир фазилат борки, биронталари сал оғриб қолишса, албатта йўқлаб келишади.

Қуръони карим оятлари ва ҳадислар маъноларидан биламизки, бир-биримизга кўп муруват қилсак, об-ҳаво, табиат ҳам шунга яраша бўлади. Аллоҳ таоло ёмғирни кўп беради, экин-тикинларимиз яхши ҳосил беради, юртда баракот бўлади. Агар бир-биримизга қаттиқлик қиладиган бўлсак, об-ҳаво ҳам қаттиқлик қилади, экин-тикинда барака бўлмайди. Шуларни тушунтириш уламоларимиз, имомларимиз вазифаси. Агар Аллоҳ муваффақ қилиб тушунтира олсак, вазифамизни бажарган бўламиз. Одамларда имомларнинг вазифаси жаноза ўқиб бериш ёки никоҳ қилиш, ҳар хил маросимларни ўтказиб бериш, деган бирёқлама тушунча бор. Албатта булар ҳам қилинади, лекин энг асосий вазифалари инсонларни ислоҳ

лар ҳар хил жанжаллар ёки фитналар билан эмас, балки маърифат билан амалга ошишини, шундагина бизга Аллоҳ таолонинг раҳмати, барокоти бўлишини тушунтиришдан иборатдир. Шу маънода шаҳримиз имомлари вазифаларини ҳолларига яраша адо этишяпти. Ўзбекистон мусулмонлари идораси бунга бош-қош бўлиб турибди. Уламоларимиз кенгашларида, маърифий-маънавий мажлисларда бу масалалар чиройли айтиляпти.

— **Тошкент ҳарқалай пойтахт шаҳар, пойтахт бўлганидан кейин, албатта бу ерга халқимизнинг қаймоғи тўпланган, илм-маърифат юксак. Бу ҳол яхши, аммо шунга яраша маъсулияти ҳам катта. Савия баланд бўлгани учун имом-хатиблардан шу савияга жавоб бера оладиган илм, маҳорат талаб қилинади. Шу маънода масжидларимизнинг фаолияти талаб даражасидами? Модомики илм жамланган экан, саволлар ҳам кучли бўлади, ахир.**

— Энди, нукул ижобий гапларни айтяпти, демасангиз... Ал-

ларга бордик. У ердаги имомлар билан суҳбатлашганимизда, улар Тошкентдаги бир ҳолатга жуда ҳаваслари келди: ақиқаларда, никоҳларда таомдан аввал ўн дақиқа маънавий озикланиш, амри маъруф-наҳйи мункарлар бўлар экан, демак, оддий халқ ҳам динни яхши тушунар экан, билар экан, шу нарса, афсуски, биз томонларда йўлга қўйилмаган, Тошкентдан ибрат олиб, қанийди, биз ҳам шуни жорий қилсак, деб ҳавас қилишди. Дарҳақиқат, биз имом домлалар халқ ичида юрамиз, халқнинг хурсанд кунларида ҳам, хафа кунларида ҳам бирга бўламиз. Хусусан, Тошкент шаҳрида имом бўлиш осон эмас, чунки ҳамма соҳанинг энг кучли вакиллари оғзимизга қараб туради. Биз уларнинг саволларига ҳамиша тайёр бўлишимиз керак. Ҳозирги кунда имомларимизга бир нарсани тавсия қилардим: ўзбекистонлик бўлганимиздан кейин Ўзбекистон тарихини, адабиётини пухта билишимиз, ўзбек тилини балоғати-фасоҳати билан яхши эгаллаган бўлишимиз керак.

— Қадимда кўп имомларимиз дунё илмларида ҳам имом бўлишган. Кучли нотикликдан ташқари, фикрларини ёзма ифода-далашга ҳам уста бўлишган. Бўлмаса, бунча илмий, тарихий, адабий мерос қаёқда эди. Илм бўлганида ҳам, қарийб ҳамма соҳасида китоблар ёзиб қолдиришган. Мана шундай имомларни тарбиялаб етиштирган диёр бизнинг юрт. Дарё ўзанига қайтади деган гап бор. Маърифатли, илмий имкониятларга бой халқимиз, яна ўша ўзанга тушиб олишимиз учун нималар қилиш керак деб ўйлайсиз.

— Тошкент шаҳрига бош имом бўлганимдан бери масжидларда такрор қиладиган гапларимни айтаяпсиз. Яъни, ёзишга, муттасил ўқишга кўпроқ аҳамият қилишимиз зарур. Чунки, “Қуръонни замон тафсир қилади”, деган гаплар бор. Қуръонда ҳозирги замон муаммолари ҳам ҳозирда нима қилсак бу муаммолар ҳал бўлади, булар ҳам бор. Замонни ҳис қилиш ва Қуръону Суннатдан жавоб чиқариш учун савия жуда баланд бўлиши керак. Илгариги уламоларимизга қарасак, улар катта дин олими бўлиш билан бирга, шеърлар ҳам битишган. Улкан фақиҳ олим Имом Шофеъий айни чоқда катта шоир ҳам бўлганларини кўплар билмаса керак. Ёки яқинда яшаб ўтган ўзимизнинг йирик олимларимиздан Олтинхонтўра Тарозийни (Мадинада вафот қилганлар) олайлик. Бу зот Қуръони каримга катта бир тафсир ёзиш билан бирга, чиройли шеърларнинг ҳам муаллифидирлар. У кишининг Ватан ҳақида, миллатимиз ҳақида жуда гўзал шеърлари бор ва балоғат билан ёзганлар. У киши Навоийни, Фузулийни ўқиганлар, Бедилни яхши билганлар. Шунинг учун ижодларида таъсири бор. Бу соҳада салафларимизга етиб олишимиз учун ҳали кўп ишлашимиз керак. Олий ва ўрта-махсус Ислом билим юрталаримизда адабиёт, тарих дарсларини очишимиз ёки янада кучайтиришимиз лозим.

Яна имом-хатибларимиз зиё-

ли кишиларни — тарихчи олимлар, ёзувчи-шоирлар ва журналистларни яқиндан танишлари-билишлари, ҳамкорлик қилишлари керак деб ўйлайман. Уларнинг билмаганларини имомлар тўлдиришади, имомларда етишмаётган илмларни улар тўлдиришади. Мана, Ҳазрати Алишер Навоий ўз замонларида буюк шоир бўлиш билан бирга, валий, олим, дин илмини биладиган улуг киши бўлганлар. Халқимиз мана шу фазилатни яна қайтадан эгаллаши лозим. Масалан, имом-хатиблар тил, тарих илмларига оид асарларни, мумтоз адабиётни, ҳозирги замон адабиётини кўп ўқисалар, аввало, билимлари ошади, дунёқарашлари кенгайди. Булар устига шунда қаламимиз ҳам, тилимиз ҳам чархланарди. Жуда ҳаммамиз ёзадиган бўлиб кетмасак ҳам, хатибларга энг зарури нутқ равонлашади-ку. Бу дегани, иншааллоҳ, суҳбатларимиз янада таъсирли бўлади деганидир. Яъни, мадрасаларимизда эски анъанани тиклаб, навоийхонлик, фузулийхонлик, бедилхонликлар бўлиши, замонавий ўзбек тили, унинг балоғатлари ҳақида ҳам дарслар берилиши, замондош адиблар, олимлар билан тез-тез учрашувлар бўлиши керак.

— **Имомлар халқ орасида яшайдилар, халқ орасида нима масала туғилса, бирламчи дарҳол имомларга мурожаат қилинади. Журналимиз мухлисларига ҳам қизиқарли бўларди, бугун энг кўп мурожаат қилинаётган масалалар ҳақида умумлаштириб гапирсангиз.**

— Бу саволларнинг қаймоғи бўлди. Биз ҳаммамиз шу Ватаннинг фуқароси бўлганимиздан кейин, уламоларимиз ҳам пайғамбарларнинг ворислари бўлганидан кейин Исломнинг асл моҳиятини англаш ва англаштиш энг долзарб масала бўлиб турибди. Хабарингиз бор, кейинги пайтларда дунёда рўй берган баъзи ҳодисалардан фойдаланиб дин душманлари жаҳон оммасининг фикрини Исломга қарши буришга ҳаракатлар қилишяпти. Демак,

биз учун Ислом динимизга террорнинг сира алоқаси йўқ эканини, Ислом ҳар қандай тажовузкорликка, зулмга, ноҳақликка қарши эканини фақат яхшилик ва поклик дини эканини аввало ўзимиз тўлиқ тушуниб етишимиз ва тушунтириб беришимиз энг муҳим масала деб биламан. Одамларга ҳозир шу керак. Чунки бу ташвиқотлар кўпларни шошириб қўйди. Баъзи гўр кимсалар ҳатто Исломдан айниб (аввало-ку, улар диндор бўлиб диндор ҳам эмасдилар, номига мусулмон эдилар), бошқа ботил динларга кириб кетишяпти. Энг кўп саволлар ҳозир шу масалалар атрофида айланади. Ислом ҳам ботинни, ҳам зоҳирни тозалайди, қалбни ширкдан, ҳасаддан, ҳар хил ёмонликлардан поклайди. Ботин тоза бўлганидан кейин зоҳир ҳам ўз-ўзидан тозаланади, деган тушунча бор. Динимиз инсонни юксак хулқли, юксак одобли, ҳаром-ҳалолни ажратадиган, ҳар қандай зулмни ёмон кўрадиган, дунёни фақат обод қилишга ҳаракат қиладиган этиб тарбиялайди. Жаннатни ҳам Аллоҳ таоло “Тинчлик уйи”, яъни, “Дорус-Салом” деб атаганини ҳеч қачон унутмаслигимиз, шу маънода бугун бирламчи вазифа мусулмонларни тинчликка, ҳамжиҳатликка, ҳар хил фитнаю нопок-ғаразли ишлардан узоқда бўлишга чақаришдир. Шундагина, имомини комилки, Ислом динимиз аҳкомларини, Расулulloҳнинг (с.а.в.) покиза суннатларини тўлиқ ўқиб-ўрганишга имкон бўлади. Пайғамбаримиз (с.а.в.), ҳар нарса орқага қайтади, деганлар. Аслимизга, бухорийлару навоийларга қайтишимиз учун албатта динимизнинг софлигини сақлаш, нафақат Тошкентдаги, балки бутун мамлакатдаги имомларнинг вазифаси деб биламан. Масжидлар ҳар қандай тарафқашликдан ва жанжалга сабаб бўладиган нарсалардан йироқ туриши керак.

Нуруллоҳ
МУҲАММАД РАУФХОН
суҳбатлашди

Мирзажон ҳожи ИСЛОМОВ

Башар сарвари

(Достондан парчалар)

Орзу ва армон

Маккани бир зиёрат этмоқ,
Байтуллоҳнинг васлига етмоқ...

Бу буюк бир орзу ва армон,
Қачон, қачон бўларкин имкон?

Ва ниҳоят Ҳазрат Пайғамбар
Мўминларга берди хушхабар.

Ҳижрий сана олти чоғланди,
Ҳаж ўташга ният боғланди.

Дилларида буюк эҳтиром,
Саҳобийлар кийишди ихром.

Бир минг тўрт юз мўмин-мусулмон
Йўлга тушди Маккага томон.

Қурбонликка туялар олди,
Озиқларни қопларга солди.

Ҳазрат ўзи ҳажга бош турди,
Кисво миниб олдинда юрди.

Тақиқланди қурол тақмоқлик,
Ҳаж йўлида зулм — аҳмоқлик.



Ризвон байъати

Қурайшийлар топиб хабарин,
Таъқиб этди бу ҳаж сафарин.

Ва Маккада тўсиқ қурдилар,
Йўлни боғлаб, қаттиқ турдилар.

Ҳазрат бундан хабардор эди,
Ўз-ўзига шундай сўз деди:

«Бу қурайшга не бўлди ўзи,
Тўймади ҳеч урушга кўзи?»

Мурожаат бўлди неча бор,
Мушриклар ҳеч қилмас эътибор.

Жўнатилди бу баҳс ечилар
Деган ўйда холис элчилар.

Мусулмонлар элчисига ён
Бермас эди қурайший ҳамон.

Муддао ҳаж эканин тайин
Билсалар-да, қўнмас атайин.

Вазият танг бўлиб борарди,
Расулulloҳ сезиб турарди.

Мусулмонлар жонни ҳам фидо
Қилмоққа шай, этишар нидо.

Очиқ майдон, дарахт остида
Жаннатга эришмоқ қасдида

Пайғамбарга байъат қилдилар,
Ўлимга ҳам шай, аҳд қилдилар.

Тарихда бу онт, аҳду паймон
Аталмишдир «Байъатур Ризвон».

Сулҳ



Мушрик яна уруш истади,
Мусулмонни шунга қистади.

Мусулмонлар тинчлик гамин ер,
Беғуноҳ қон тўкилмасин дер.

Шундан рози бўлдилар букун
Келгуси йил ҳаж қилмоқ учун.

Тўхтатилди ҳажга ҳаракат,
Шартномага келди-ку навбат.

Ҳазрат Али қалам ушлади,
Шартномани ёза бошлади.

Мушриклар бир нағма қурдилар:
«Бисмиллаҳир роҳманир роҳим»,
Деб бошлашга қарши турдилар.

Шу боисдан бу аҳднома хат
«Бисмиллаҳ» деб бошланди фақат.



Бу аҳдлашув шартларида бор
Муҳим қайдлар, Аллоҳ бўлсин ёр...

Мусулмонлар фидо онт ичди,
Ҳаж қилмоқдан бу йил воз кечди.

Мадинага қайтишди улар,
Келгуси йил энди ҳаж қилар.

Тарихга бир айланг эътибор,
Сулҳ шартида шундай гаплар бор:

«Ҳаж сафари уч кунлик бўлур,
Ҳамма қурол-яроғсиз келур.

Маккалик ҳеч мўмин-мусулмон
Кетолмайди Мадина томон.

Мадиналик гар истак бўлса,
Рухсат тегар Маккада қолса.

Маккалик ҳеч мўмин ё мушрик
Ясрибликка бўлолмас шерик.

Мадинани қилса гар орзу
Қайтарилур тез ортига у.

Бирор мўмин Маккадан мадад
Сўраса, ҳеч этилмайди рад...»

Бундай шартлар қанчалик оғир!
Ҳазрат қабул этди барибир.

Бу шартларга «фақат мубин» деб
Ном қўйилди тинчлик гамин еб.

Узоқларни кўзлаб Пайғамбар
Иш тутганди, қозонди зафар...



Хабарингиз бор, ўтган йили Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 60 йиллик тўйи нишонланди. Советлар даврида ҳам муқаддас Китобимиз Қуръони карим юртимизда бир неча бор нашр этилгани эслаб ўтилди.

Аслида, даҳрийликка асосланган советлар мафкураси Қуръони каримни ўрганишга қандай ёндашган? Бу муқаддас Китобни қайси тамойиллар асосида тадқиқ этган?

Қуйида эътиборингизга ҳавола этилаётган мақола муаллифи ана шу саволларга атрофлича жавоб беришга ҳаракат қилади.



рининг ҳукмронлиги остида яшашди. Улар ис-тамасалар-да, бу давр-да Ислом динига юзла-ниш кучайди. Иккинчи томондан, 1453 йилдан Византия империяси маркази Қўстантания (Истанбул)нинг мусулмон-лар қўлига ўтиши билан Ислом ва мусулмонларни яқиндан таниш-ўрганиш эҳтиёжи кучайди.

XV-XVI асрларда Ислом дунёсига ҳоким бўлган ус-монлилар, софавийлар ва бобурийлар билан бевосита тижорий ва дип-ломатик муносабатлар ўрнатган русларда Ис-

Доктор Сайфиддин ЭРШОҲИН

СОБИҚ ИТТИФОҚДА

Расман “ихтиёрий сиёсий иттифоқ” номини олиб, турли миллат ва элатларни уюштирган Совет Иттифоқи аслида барча соҳаларга раҳбарликни мутлақо руслар ҳукмронлиги остига тўплаган замонавий салтанат эди. Шу боисдан собиқ Иттифоқда Қуръони карим бўйича олиб борилган тадқиқотлар ҳақида сўз юритилар экан, бу борада рус коммунистларининг «марксча-ленинча ғоялари» билан бирга уларга чоризм давридан қолган илмий ва маданий мерос, туркий халқлар коммунистларининг мавзуга оид билимларини эътибордан четда қолдирмаслик зарур.

Чор давридаги изланишлар

Руслар баъзан ҳоким, баъзан маҳқум ҳолатда мусулмонлар билан узоқ муддат ёнма-ён яшашга мажбур бўлишган. Бу ҳол уларнинг Ислом ва мусулмонлар билан яқиндан танишишларига, бу мавзуда кўплаб адабиётлар яратишларига сабаб бўлди. XII асрдан бошлаб мусулмонлар билан бирга ҳаёт кечирган руслар юз йиллар ичида Ислом ҳақида маълум тушунча ва билимга эга бўлдилар. XIV асрдан бошлаб эса рус тарих китобларида Ислом тўғрисида маълумотлар ва тадқиқотлар пайдо бўла бошлади.

Руслар 1224-1480 йиллар мобайнида ўзлари “татар бўйинтуруғи” деб номлаган татар туркла-

лом динига қизиқиш янада ортди. Бу орада 1552 йили Қозон хонлигининг, 1556 йили эса Аштархон хонлигининг истило қилиниши бу жараённи янада тезлаштирди.

Ўн еттинчи асрга келиб, Пётр Биринчи бошлаган ислохотлар Ислом билан боғлиқ тадқиқотлар моҳияти ва услубини янги йўналишга буриб юборди. Шу пайтдан бошлаб руслар орасидаги радикаллар, либераллар ва муҳофазачиларни уюштирган “Осиёликлардан истиғно” оқими ўртага чиқди. Бу оқим асосий ғоясини “руслар кўчманчиларга (осиёликларга) Оврупанинг қалъаси ўлароқ Худо тарафидан танланган бир миллатдир ва улар бу тарихий вазифани сидқидилдан бажардилар” шиори билан беазаган эди¹.

Ислом динини кенгроқ ўрганиш мақсадида 1702 йили Санкт Петербургда шарқ тилларини ўрганиш махсус мактаби очилди. 1723 йилга келиб, Қозон бош усқуфлиги қошида миссионерлар тайёрлаш мактаби иш бошлади ва кейинчалик диний академияга айлантирилди. 1790 йилда руслар Қиримни босиб олгач, дин соҳасидаги тадқиқотларга эътибор янада кучайди. 1855 йили Қозон ва Санкт Петербург шаҳарларида шарқ тиллари факултетлари ташкил этилди, ислом-шунослар томонидан кўп китоблар ёзилди².

Русларнинг Қуръони каримни тадқиқ этиш-

лари дастлаб Оврупа олимларининг таржималаридан ўгириш билан бошланди. XVIII аср бошларидан XIX асрнинг иккинчи ярмигача Қуръони мажид маъноларининг барча русча таржималари франсузча таржималар асосида амалга оширилди.

Қуръони карим маъноларини илк марта 1716 йили Пётр Постников русчага таржима қилди. “Ал-коран о Магомете или закон турецкий” деб номланган бу таржима Санкт Петербургда 1716 ва 1790 йилларда икки марта чоп этилди³. Китобнинг номидан ҳам кўриниб турибдики, руслар Қуръонни туркий халқларнинг ижтимоий-сиёсий ва маиший ҳаётини белгилаб берган китоб сифатида кўрганлар.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси нашрларидан бирида бу таржима хусусида шундай ёзилган: “Таржима арабчадан бўлмагани учун бу китобга Қуръон таржи-

Ўн тўққизинчи асрнинг иккинчи ярмига келиб русча таржималар яхшилана борди. Оврупа тилларидан таржималарга диққат ва ҳассослик билан ёндашувдан ташқари бевосита арабчадан таржимага уринишлар ҳам бошланди. К. Николай франсуз шарқшуноси А. Казимирскийнинг (1808-1887) “Le Coran” таржимасини 1864 йилда русчага ўгириб, 1865, 1876, 1880, 1901 йилларда такрор-такрор чоп эттирди.⁹ Шундан сўнг Қуръонни арабчадан русчага илк бор ўгирган Д. Багуславский (1826-1893) бўлди. Аммо 1871 йили тугалланган таржиманинг нашрига рус мутаассиб черкови рухсат бермади. У анча кейин — 1894 ва 1904 йилларда Қозонда чоп қилинди¹⁰.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Қозон шарқ тиллари дорилфунуни ректори, аслида миссионер бўлган рус шарқшуноси Г. Саблуков (1804-1880) ҳам Қуръони карим маъноларини таржи-

ҚУРЪОН ТАДҚИҚОТЛАРИ

маси эмас, балки ҳикояси деб таъриф бериш тўғрироқ бўларди. Аммо, шунга қарамай, бу асар ўша замондаги олимларнинг Аллоҳдан Пайғамбаримиз ҳазрати Муҳаммадга (соллаллоху алайҳи ва саллам) келган илоҳий кўрсатмаларни танишларига имкон берди”⁴.

Қуръони карим маъноларининг русчага иккинчи (М. Верёвкин — (1732-1795) таржимаси “Книга ал-Коран арабянина Магомедом” номи билан 1790 йилда икки жилдди қилиб Санкт Петербургда нашр этилди⁵.

Бу даврда А. Калмаков инглизчадан ўгирган таржимасини нашр эттирди. У Г. Саленинг “The Koran Cominantly callad the Alcoran of Muhammed” (London, 1734) китобидан қилган таржимасини “Ал-Коран Магомедов” деб номлади ва бу ҳам Санкт Петербургдаги император академияси нашриётида икки жилд ҳолида чоп этилди⁶.

Она томонидан турк бўлган машхур ўрис шоири Александр Пушкин (1799-1837) ҳам Қуръон маъноларини русчага ўгирган. Кўпроқ Ду Рйернинг асарига суянган Пушкин ўз таржималарини “Подражание Корану” деган ном остида 1824 йилда икки жилд ўлароқ нашр этди⁷. Шоир Қуръоннинг ахлоқий ва адабий қийматини мақтагани ҳолда, “Қуръон ёлғонлар ва эски масаллар тўпламидир”, дея таассубини кўрсатгандай бўлди⁸.

ма қилиб, 1877-1879 йилларда “Коран” номи билан икки жилд ҳолида чоп эттирди.

Унинг биринчи жилдидан Қуръон матнининг таржимаси, иккинчи жилдидан эса Қуръондаги тарихга, жуғрофий этнографияга ва шаръий ҳукмларга оид изоҳлари жой олган эди. Таржиманинг

¹Марк Батунский, “Islam and Russian Culture in the First Half of the 19th Century” Central Asian Surbay, IX, 1990/21, 1-2 бет.

²Fanny E. Bryen. State Efforts to Undarmine Religions Allegiances: Themans and Arguments of Anti — Islamic Propaganda During the Soviet Period”, Urbana University of Illinois, 1992, Нашр этилмаган докторлик иши тезисидан, 33-бет.

³В. Баляев, Р. Грязневич, И. Крачковскийларнинг Қуръон таржимасига ёзган сўзбошилари. Масков, 1990, 16-бет.

⁴Абдували Юсуфхўжаев, “Қуръони карим таржимаси тарихидан”, “Совет шарқи мусулмонлари”, Тошкент, 1981/1, 10—11-бет.

⁵“World Billiografphy of Translations of the Meanings of the Holy Kuran” тайёрлаган Исмаи Бинарк, Холид Эрен, IRCICA, Истамбул, 1406/1986 393-бет.

— Баляев, Грязневич, 16-бет.

— Алибек Рустамов “Тараққиёт зид фикрларнинг тўқнашувида”, “Шарқ юлдузи”, Тошкент, 1993/3, 163-бет.

⁶“World Bib. Of the Holy Quran” 389-,tn/.

⁷Климович, 98-бет; Рустамов, 162-бет.

⁸Марк Батунский, “Islam and Russian Culture in the First Half of the 19th Century” Central Asian Surbay, 1990/4, 21-бет.

1907 йилги нашрида ҳар саҳифада арабча матн, қаршисида эса русча таржимаси берилган эди.¹¹

Чор даврида фақат таржималар билан чекланиб қолинмади, Қуръонни турли томонлардан инжалаб танитишга қаратилган тадқиқотлар ҳам бошланди. Бу соҳада яна Саблуковнинг илмий изланишлари эътиборга моликдир. Унинг “Приложение к переводу Корана” (Қозон, 1879) ва “Сведение о Коране. Законоположительная книга Мухаммединского вероучения” (Қозон, 1884) китоблари Қуръоннинг “нозик” томонларини халққа танитиш ва айни пайтда Қуръон матнининг муқаддаслиги ҳақида шубҳалар тарқатди.¹² Худди шундай нохолис ёндашувни А.Шабуниннинг (1867-1937) Қуръон хати ҳақидаги тадқиқотида ҳам

кўриш мумкин. У “Куфический Коран” (Санкт Петербург, 1892) асарида ёзувларга суяниб, Қуръон матнининг мавсуқияти (муқаддаслиги) ҳақида баҳсталаб фикрларни баён қилади. Унинг даъвосига кўра, мавжуд матнларнинг ҳеч бири асл эмас, Мусҳафи Усмондаги қон доғларга ҳам у шубҳа қилади.¹³

Чор Русиясидаги миссионер ташкилотлар мусулмонлар орасида насронийликни ёйиш, тарғиб қилиш учун Қуръон ҳақида асарлар нашр эта бошладилар. Булар илм аҳлига эмас, балки оммабоп шаклдаги кичик-кичик рисоалар эди. Масалан, 1875 йилда чоп этилган Котевскийнинг “Қуръоннинг ҳосили ва руҳи” китобида Қуръон ҳамда унинг қамровидаги масалалар ҳақида черков нуқтаи назаридан баҳс юритилган.¹⁴ Ўша пайтлардаги Қуръон тадқиқотлари асосан рус ортодокс черкови назоратида, ёрдами ва талқини билан олиб борилгани боис, совет даври тадқиқотларида бу мавзунинг ҳаққонийлигига шубҳа билан қаралган.

Ислом динини ботил ва адашув ўлароқ қабул

қилган насроний руслар Ҳазрати Муҳаммаднинг (соллалоху алайҳи васаллам) пайғамбарликларини ва Қуръони каримнинг манбаи ваҳий эканини тан олмай, у Пайғамбаримиз, алайҳиссалом, томонларидан яратилган, деб даъво қилишди. Руслар мусулмонлар устидан ҳукмронлик қилганла-

рида Қуръондаги масалаларга танқидий муносабатда бўлишди. Масалан, жиҳод, инсонларни мўмин ва кофирга ажратиш ҳақидаги оятларни Чор императорининг сиёсий ва ижтимоий ҳукмронлигига ҳамда империя келажигига хавф солувчи қарши куч сифатида танқид қилдилар. Қуръонни “илм-маърифатга зид, аёллар ҳуқуқини поймол қилади, мусулмонларни тараққиётдан тўсади, шунинг учун у инсониятга зарарли”, деб иддао қилишди¹⁵.

Чор замонасида

руслар яхшироқ қилиб фақат биргина таржимани ўртага қўя олдилар. Қолганлари Ғарб тилларидан қилинган таржималар эди. Бу ҳолат ўн тўққизинчи аср охиригача араб тилидан етарли воқиф бўлган шарқшунос таржимонлар йўқлигини, борлари ҳам Қуръоннинг асидан беҳабар ёки узоқ бўлганларини кўрсатади.

الرَّتِّكَ ءَايَاتِ الْكِتَابِ وَقُرْءَانِ مُبِينٍ (۱)
رُبَّمَا يُوَدُّ الَّذِينَ كَفَرُوا لَوْ كَانُوا مُسْلِمِينَ (۲)
إِنَّا نَحْنُ نَزَّلْنَا الذِّكْرَ وَإِنَّا لَهُ لَحَافِظُونَ (۳)

1. Алиф, Лом, Ро. Ушбу (оятлар) Китобнинг — Очиқ Қуръоннинг оятларидир.

2. Ҳали (Қиёмат куни) кофир бўлган кимсалар мусулмон бўлишни истаб қолурлар.

3. Албатта, бу Эслатмани (яъни, Қуръонни) Биз Ўзимиз нозил қилдик ва шубҳасиз, Ўзимиз уни сақлагувчимиз.

(Ҳижр сурасидан)

⁹Климович, 97-бет; Баляев, Гриязневич, 16-бет.

¹⁰Баляев, Гриязневич, 17-бет; Юсуфхўжаев, 11—12-бетлар.

¹¹World Bib. of the Holy Qur'an, 372-373-бет; Баляев, Гриязневич, 17-бет.

¹²Е. Баляев; “Arabs, Islam and the Chalifa in the Early Middle Ages” таржимон А. Гауревич, Исраил, 1969 йил, 77-бет.

¹³Л. Климович. “Қуръон ва унинг ақидалари”, русчадан ўзбекчага таржимон А. Боишев, Тошкент, 1958, 7-бет.

¹⁴Абдурашид Иброҳимов. “Чўлпон юлдузи” Санкт Петербург, 1907 йил, 27-бет.

¹⁵Bryan, 43—44-бет.

ОЛМОНИЯЛИК ТЕМУР ҚОРИ БЎЛМОҚЧИ

Яқинда тахририятимизга Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидаги Пайшанба шаҳарчасидан Жўрабек Рўзимуродов исмли бир йигит келди. Салом-алиқдан сўнг танишдик. Касб-ҳунар коллежини битириб, ҳозир тижорат билан машғул экан. Сўхбат асноси “Темур” исмини олган немис боланинг Ислоом билан ҳидоятлангани тарихини эслаб қолди.



— Темурнинг отаси Александр ҳам, онаси Элла Найбавр ҳам насроний диндалар ва шунга амал қилишади. Улар менинг тоғам Аҳтам қандолатчига кўшни эди. Ўғиллари тоғамга қандолатчиликни ўрганиш учун шогирд тушади. Жияним Фаррухбек билан укам Шералиларнинг Қуръон ўқишни ўрганаётганларини кўриб, қалбида ҳавас пайдо бўлди. Ҳаваси бора-бора қатъий ниятга айланди. Бир куни у менга Ислоом динини қабул қилмоқчи экани, Қуръонни ўрганишга иштиёқи борлигини айтиб қолди. Аввал унга шаҳодат калимасини ўргатдик. Араб ҳарфларини танитдик. Икки ойда тажвид қоидаларини ёдлади. Аста-секин Қуръон ўқишни ҳам бошлади. Ўн уч ёшигача ўтгизинчи порадаги сураларни, бундан ташқари Ёсин, Мулк, Қиёмат,

Бақара (бир қисми) сураларини тўла ҳифз қилди. Қуръон ўқишда, Ислоом арконларини бажаришда ҳатто мусулмон оилада тарбия топган тенгдошларини ҳам хижолат қилиб қўйди. Масалан, укам билан жиянларим битта маҳаллада яшаб, бирор марта масжидни кўришга қизиқишмаган эди. Темур бўлса, Қуръон ўқишни ўрганиши биланок масжидга олиб боришимизни сўради. Одамларнинг қандай ибодат қилаётганларини кўрмоқчи эканини айтди.

— **Ота-оналари боланинг бундай қарорига қаршилик қилишмадилми?**

— Аксинча, улар эътиқод фарзандларининг шахсий иши эканини айтиб, унга бемалол йўл беришди. Ҳатто шахсий ҳаётда ишлари ўнғланаётганини ҳам ўғилларининг Ислоом билан шарафланганига боғлашди. Чунки эр-хотин анчадан буён Олмонияга кўчиб кетишни режалашар, аммо виза келавермай қийнар эди. Бунинг устига, яшаб турган коттежларини сотолмай, сарсон бўлишарди. Темур уларга тасалли берарди: “Мана кўрасизлар, иншааллоҳ, виза ҳам келади, уй ҳам сотилади, фақат Аллоҳдан сўраш керак!” Орадан кўп ўтмай уйни сотишга муваффақ бўлишди, виза ҳам келиб, Олмонияга кўчиб кетишди.

— **Темурнинг кейинги тақдири нима бўлди?**

— Гоҳо телефонда гаплашиб, гоҳо мактуб орқали боғланиб турибмиз. Ҳозиргача бизга тўртта мактуб ёзди. У мактубларида Олмониянинг Genthin шаҳарчасидаги Geschwister-Scholl (Опасингил Шолл) кўчасида исти-

қомат қилаётгани, 8-синфда ўқиётганини ёзибди. Ўзбекистонни, сахий, соддадил ўзбек тенгдошларини роса соғинганини битибди. Яқин атрофда масжид йўқлиги сабабли Қуръон ёдлаши анча секинлаб қолибди. Аммо Қуръон ўқишни қанда қилмаётган экан. У ҳар мактубида Шерали билан Фаррухбекларга вақтни бекор ўтказмай, Қуръон ёдлашга, илм олишга интилишни маслаҳат беради.

Мактубларидан бирида қизиқ воқеани келтирибди. Кўшни шаҳарга поездда кетишаётган экан. Купеларида бир араб йигит Қуръони каримни очиб, ўқий бошлабди. Темур ҳам қизиқсиниб, унга яқинроқ сурилибди. Боланинг эътиборини кўрган бояги йигит Қуръон ҳақида маълумот бермоқчи бўлган экан, Темур ажойиб қироат билан Ёсин сурасини ёддан ўқиб берибди. Ҳайратга тушган араб йигити Темурни маҳкам қучоқлаб, нукул: “Машааллоҳ, машааллоҳ” дер, бошқа сўзга тили айланмас эмиш...

— **Келгуси режалари ҳақида ҳам ёзибдилми?**

— Ёзибди. Ўзбекистонга бир келиш, туғилиб-ўсган жойларини кўриш, тенгдошлари билан учрашиш ниятида экан. Келажакда албатта Қуръони каримни тўла ёд олиб, ҳофизул Каломуллоҳ бўлишни орзу қилади. Ислоом билан ҳидоят топган немис болакайни Аллоҳ таоло ниятларига етказишини сўраб, дуода бўлиб турибмиз.

Аҳмад ТУРСУН
ёзиб олди.

Эл орасида хос хислатлари, тақволари билан донг чиқарган, хотирасига эҳтиром кўрсатиладиган азизлар кўп. Биргина Тошкентда яшаб ўтган Занги ота, Сўғалли ота, Сирғали ота, Ғойиб ота, Чимир ота, Яланғоч ота, Иброҳим ота каби Аллоҳ назар қилган боболаримиз ҳақида эшитганмиз, улар номи билан аталадиган манзил-маконлар бор. Лекин ўзларини яхши билмаймиз. Тасаввуримиз ҳаминқадар.

Ҳурматли таҳририят ходимлари! “Ҳидоят”нинг доимий муштарийи сифатида бу улуг аждодларимиз ҳақида маълумот беришингизни сўрайман.

Жамол Жалилов Миркомил ўғли,
Собир Раҳимов тумани

ЗАНГИ ОТА

Мусулмон ахлоқи таком依лида тасаввуф шайхлари, валийўллоҳ зотларнинг катта ҳиссалари бор. Турк машойихлари тариқат салафларининг пешқадамларидан бўлишган. Бу сарҳалқанинг бошида пири Туркистон, шайх-ул машойих Ҳазрат Аҳмад Яссавий турадилар. Занги ота Ҳимматий Яссавийнинг тўртинчи халифаси, донишманд, мутасаввиф шоир Ҳаким ота — Сулаймон Боқирғонийнинг биринчи халифаси, содиқ шогирди бўлганлар.

XIII аср ёзма манбаларида Занги ота ҳақида маълумотлар учрамайди. Икки, уч аср кейин ёзилган Фахриддин Али Сафийнинг “Рашаҳот айнул ҳаёт”, Алишер Навоийнинг “Насойимул-муҳаббат”, Ҳасанхўжа Нисорийнинг “Музақкирулаҳбоб” каби тазкираларида эса тарихий маълумотлар билан бирга халқ ривоятлари ва нақллари ҳам келтирилади.

“Занги ота” лақаблари, нақлларга кўра, қора танли киши бўлгани боис шундай ном чиқарган. Асли исми Ойхўжа ибн Тошхўжа. Насаби ҳазрати Яссавийнинг устозлари Арслонбобга бориб тақалади. Яъни, Арслонбобнинг эварасидир.

Арслонбобнинг ўғли Мансур ота дастлаб отасидан, сўнгра Аҳмад Яссавийдан таълим-тарбия олади. Шайхлик мақомига эришади. Унинг вафотидан кейин Абдумалик ота халифа қилиб тайинланади. У ҳам кўп ўтмай вафот этгач, ўғли Тошхўжа шайхлик маснадига кўтарилади. Занги отанинг падари бузруквори Тошхўжа ҳам маълум давр пири Туркистон эшигида туриб, илм ва одоб ўрганади. Яссавия тариқати сир-асрорларидан воқиф, муқтадир зот бўлиб етишади.

Занги отанинг таваллуд йили аниқ эмас. Тахминан, XII аср охири, XIII асрнинг бошларига тўғри келади. Барваста, бақувват киши бўлган. Дарвиштабиат эди, фақирона кун кечирган, бутун умр подачилик қилган.

Занги отанинг оилавий тақдирида ҳам устози

Ҳаким ота билан боғлиқлик жиҳат бор. Яъни, Занги ота устоз вафотидан кейин у кишининг завжаси Анбар онага уйланади.

Занги ота оғир даврда яшади. XIII асрнинг 20-йилларидан Мовароуннахрни босиб олган динсиз муғуллар ўлкани вайрон этиб, халқни қуллик исканжасига солишган эди. Шундай бир қора кунларда Занги ота ва унинг ўндан ортиқ халифалари мардона туриб, мўмин-мусулмонларни собит эътиқодга бошладилар. Хос фазилатлари билан дилларда Ислому байроғини тикладилар.

Занги ота издошлари орасида даставвал Узун Ҳасан ота, Саййид ота, Садр ота ва Бадр ота номлари келади. Нақл қилишларича, Бухоро мадрасаларининг талабалари бўлган бу инсонлар бир комил пир излаб йўлга тушадилар. Кўп йўл юришгач, ниҳоят Шош адирларида уларга Занги ота йўлиқади. Истакларини тинглаб, сабоқ бермоқчи бўлади. Узун Ҳасан билан Садр дарров унинг этагидан тутаяди. Аммо Саййид “Мен мадрасада сабоқ олганман, шу занжи чўпондан нимани ўрганардим?” дея шубҳага боради. Бадр ҳам унинг фикрига кўшилади. Кўп ўтмай Узун Ҳасан билан Садрнинг шавқлари юксалиб, зоҳирий ва ботиний илмларда илгарлаб кетишаётганини кўришади ва хатоларини тушунадилар. Анбар она кўмагида кечирим сўраб, Занги ота илтифотига ноил бўлишади. Шундан кейингина илму одобда юксак даража топишади. Аввал Узун Ҳасан ота, сўнг Саййид ота Занги отанинг халифаси бўлиб, силсилани давом эттиришади.

Занги отанинг саъй-ҳаракатлари ва иршодлари туфайли Дашти Қипчоқ турклари, Сибир, Ўрол, Волгабўйи халқларидан кўплар Исломуни қабул қилган.

Занги ота ҳижрий 656 (милодий 1258) йили вафот этади.

Занги отанинг ажиб шахси, комил маънавияти, ибратли ҳаёти ила яссавия тариқати янада



кенг ёйилди. Ортидан келган солиҳ зотлар учун мактаб бўлди. XV асрнинг буюк шайхи, аллома Хўжа Аҳрор Валий Занги ота хотирасини кўп қадрлар, марқадлари зиёратини канда қилмас эди. Мавлоно Муҳаммад қози (алайҳир роҳма) Хўжа Аҳрор Валийдан шундай нақл қилган: “Ҳар қачон Занги отанинг зиёратларига келсам, ул зотнинг қабридан “Аллоҳ, Аллоҳ” деган овоз эшитаман.” Ўрта асрларда Занги ота йўриқларига эътимод қилиб, талай шайхлар етишди. Жумладан, Исмоил ота, Исҳоқ ота, Алмамин бобо, Шайх Али, Мавлуд Шайх, Камол Шайх, Ходим Шайх, Жамол Шоший, Ҳасан ибн Жамол, Шайх Паҳлавон, Шайх Жамол Бухорий, Шайх Сулаймон Разнавий, Шайх Худойод, Шайх Матин, Шайх Қосим Карминий каби йирик атоқли мутасаввиф зотлар ҳам Занги ота силсиласига мансубдирлар.

Занги ота халқнинг юрагидан ўрин олди. Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг улуғ кишилари эҳтиромига сазовор бўлди. Бу зот ётган манзил зиёратгоҳга айланди. Амир Темура у ерга мақбара ва масжид қурдирди. Нақл қилишларича, етти асрни кўрган бу иншоотни буюк Соҳибқирон бир каромат билан Аҳмад Яссавий мақбарасини қуришдан олдин тиклаттирган экан. Милодий 1420 йили Мирзо Улуғбек ҳозирги пештоқни бино қилдирди. XVII асрда бу ерда мадраса ва жомеъ масжиди тикланди. XIX аср охирида эса Мирзо Рустам исмли саховатли киши томонидан мавжуд мезана қурилди.

Вафо ФАЙЗУЛЛО
тайёрлади

Абу Ҳомид ҒАЗЗОЛИЙ

Ўлим онларида маҳбуб кўрилган амаллар

Ўлим онларида хотиржамлик ва сокинлик тилнинг фақат “Ла илаҳа иллаллоҳ” калимасини айтиб, дилни шак-гумондан тўла холи бўлиши ўлими яқинлашган киши учун энг маҳбуб ҳолатдир.

Пайғамбаримиздан, алайҳиссалом, ривоят қилинади: “Ўлими яқин қолган кишида учта ҳолатни кузатинг: пешонасидан тер тошади, кўзларидан ёш оқади, лаблари қуриydi. Бу ҳолат Аллоҳнинг ушбу кишига тушган раҳматидир. Агар жон таслим қилаётган киши бўғилгандай хирилласа, ранги бўғриқиб қизарса, лаблари кулранг тусга кирса, бу унга Аллоҳнинг азобидир” (*Салмон Форсий, Термизий*).

Абу Ҳурайра дейди: “Расулulloҳнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, шундай деганларини эшитдим:

“Ўлим фариштаси ўлаётган кишининг олдида ҳозир бўлиб, унинг қалбига назар солади. Қалбидан ҳеч нарса топмайди. Сўнгра унинг иккала жагини очиб, тилининг “Ла илаҳа иллаллоҳ” деган ҳолда танглайга ёпишиб қолганини кўради. Ихлос калимаси туфайли бу банда мағфират қилинади” (*Байхақий ривояти*).

Бу калимани айтишга шунчалик жидду жаҳд қилинишидан мақсад — ҳаёт билан видолашаётган инсон сўнги нафасларигача қалбида Аллоҳдан ўзгасига ўрин қолдирмаслик. Қачонки қалбда яккаю ягона Зотдан ўзга матлуб қолмас экан, ўлим маҳбуб томон яқинлашиш, неъматлар манбаига етиш ҳисобланади. Агар қалб дунёга муккасидан кетиб, бутун борлиғи билан унга ёпишса, қолиб кетётган ўткинчи лаззатларга ачинса, шаҳодат калимаси қалбдан эмас, тил учидан чиқади. Бу нақадар ёмон хотима! Негаки, дил иштирокисиз тилнинг ҳаракатидан фойда кам. Лекин Аллоҳ таоло фаъл этса, не тонг!

Ўлим онларида яхши гумонда бўлиш ҳам мустаҳаб амаллардан ҳисобланади.

“Пайғамбаримиз, алайҳиссалом, ўлими яқинлашиб қолган йигитнинг олдида кириб сўрадилар:

— Ўзингни қандай ҳис қиялсан?

— Аллоҳ таолодан умидворман, гуноҳларимдан кўрқяпман.

Шунда Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

— Бу икки хислат бир банданинг қалбида жамланса, Аллоҳ у бандага умид қилганини ато этади, кўрқаётган нарсасидан сақлайди” (*Термизий ривояти*).

“Ўлимни эслаш китоби”дан
Абдурашид ЗОҲИД
таржимаси

ҚУЛОҚНИ БИЛАМИЗМИ?



Оламдаги барча ҳодисаю воқеалар, ҳатто олиб турган нафасимиз ҳам ёлғиз Парвардигори оламнинг изни, марҳамати биландир.

Қуръони каримнинг кўпгина оятларида олам ҳақида, инсон аъзоларининг ҳикмати тўғрисида тафаккур қилишга тарғиб этилади.

Камина бу мақолада инсонга берилган беш туйғусидан бири — эшитиш ҳақида, эшитиш воситаси қулоқ ҳақида тўхталмоқчиман. Инсоннинг комил бўлишида қулоқ муҳим ўрин тутди. Ҳатто у бошқа сезги аъзоларидан афзал ҳам. Кўзни қулоқдан афзал деб ҳисобламаслик лозим. Чунки Аллоҳ субҳонаху ва таоло ўзининг комил сифатлари билан “...**ва ҳувас-саъмиул-басийр...**” деб ўзини аввал Эшитувчи, кейин Кўрувчи деб таърифляпти. Эшитишни кўришдан илгари баён қилганидан қулоқнинг кўзга нисбатан афзаллиги аён бўлди. Парвардигори олам ҳеч бир пайғамбарнинг қулоғини қар қилмаган, лекин улар орасида вақтинча кўзини ожиз қилиб қўйилганлари бор. Зотан, кўзнинг қуввати қоронғуда зоил бўлса ҳам, қулоқ эшитаверади. Кўз фақат қараб турган томонини кўради, қулоқ эса бир пайтнинг ўзида олти тарафдаги овозларни эшитаверади.

Товуш тўлқинлари қулоқ тешигига кирганидан кейин пардага тегиб, тебраниш ҳосил қилади. Бу тўлқинлар чиғаноққа етиб боради. Бу чиғаноқда ўртача 25000 та сочсимон эшитиш толлари жойлашган ва улар бу тўлқинларни урилиши ва тебранишларига қараб саралаб, мияга етказиб беришга хизмат қилади. Шундай қилиб, қулоқ нафақат эшитиш аъзоси, балки товушни мукамал таҳлил қилувчи бирламчи саралаш ускунаси ҳамдир.

Қулоқнинг кейинги вазифаси олдинги йиғилган товушлар орасидан “ганиш” товушни ажратиш ҳисобланади. Бир вақтнинг ўзида бир неча

киши суҳбатлашаётганида, агар уларнинг товуш балангликлари бир хил бўлса, гапга қулоқ солаётган киши даврадаги ўзи истаган суҳбатдошнинг гапини ажратишга мослашади.

Бундан ташқари, қулоқ ёрдамида нафақат товуш йўналишини, балки товуш манбаининг масофасини ҳам аниқлаш имконияти туғилади.

Физика фани нуқтаи назаридан қаралса, товуш тўлқин шаклида бўлиб, ҳаво тебраниши натижасида тарқалади ва улар неча хил синусоидал тебранишлар йиғиндисидан шаклланади.

Инсон қулоғи қобилиятига кўра ўн олтидан то йигирма минг гертсгача бўлган товуш тебранишларини қабул қила олади. Бу тебранишдан паст (ултра) ёки (инфра) товушлар оддий қулоқларга эшитилмайди.

Қулоқ товушни эшитиши учун тебранишнинг маълум кучи (пардаси) мавжуд бўлиши лозим. Яъни, товуш кучининг шундай 0 ёки юқори чегараси борки, бундан бошқасини инсон эшитмайди. Бу кучнинг қуйи миқдори 10^2 — Вт/м² дир, яъни, фарқи 10^{-14} га тенг.

Бу келтирилган рақамларни тарозига солиш мумкин бўлганида, тасаввур ҳосил қилиш учун, шундай деса бўлади: инсон қулоғи бир граммдан то милён тоннагача бўлган шовқин зарбини кўтара олади.

Нега қулоқ иккита, оғиз битта? Бу саволга ҳазилкашлар, камроқ гапириб, кўпроқ эшитиш учун, деб жавоб беришади. Бунда аслида бошқа маъно ётибди, яъни, қулоқнинг жуфтлиги товуш йўналишини аниқлаб олиш имкониятини яратади. Бош мия иккала қулоқдан кираётган тебраниш фазаларининг фарқига қараб, товуш йўналиши қайси томондан келаётганини аниқлайди.

Ҳақиқат нуқтаи назаридан қаралса, физика, баъзилар ўйлаганидек, жисм ҳаракати илми эмас, балки Аллоҳнинг махлуқотлари қимматини кашф этадиган илмдир.

Қулоққа масҳ тортишнинг фазилати

Ҳаммамизга маълумки, таҳорат олаётган киши амаллар орасида икки қўлни сувлаб, аввал бошига, сўнгра қулоқларига масҳ тортади. Бунда қандай ҳикмат бор? Гиббиётда қулоқ чаноғининг сезгирлиги марказий асаб тизими билан узвий боғлиқ экани исбот қилинган, яъни, қулоқдаги ҳар бир нуқта ва қисм инсон танасидаги бошқа аъзоларга рефлектор таъсир кўрсатиши тасдиқланган.

Франсуз олими Ножйе фикрича, қулоқнинг алоҳида фаол нуқталари ва қисмларининг жойлашиши одам ҳомила органларининг шаклига ўхшашдир. Бунда 88 фоиз ҳолатда ўнг қулоқ инсоннинг ўнг томони аъзоларига, 12 фоиз ҳолатда эса чап томон аъзоларига таъсир қилади. Худди шундай, чап қулоқда чап томон аъзоларининг фаол нуқталари жойлашган. Демак, қулоқнинг маълум бир қисмини уқалаш, ювиш ва ишқалаш одам танасидаги бошқа аъзоларга таъсир ўтказиш имконини беради.

Қулоқ сийпалаш орқали мудраган аъзолар уйғонади ва улар ўртасидаги жисмоний муносабат тикланади, вужуд тозаланади.

Негаки, турли ҳароратдаги сув ёки қўлнинг намлиги терига текканида, бир жиҳатдан, томирларнинг ҳаракати осонлашади, иккинчи томондан, эндигина буғилиб, тиқилиб қолган томирлар яна очилиб кетади. Масҳ таъсирида моддалар алмашинуви яхшиланади, мудрай бошлаган хужайралар тетикланиб, кишида ички бир ҳаловат, роҳат ҳисси пайдо бўлади.

Умумий қон айланиш тизимидаги камчиликлар тузалади, қариш (кексаиш) секинлашади. Зеро, саломатлик учун жуда муҳим бўлган оқ қон томирлари энг тиғиз жойлашган аъзолардан бири қулоқ ва унинг атрофи бўлиб, уни ювиш (уқалаш) инсон танасини кучлантиришда муҳим омилдир.

Байт:

**Ҳар на қуср банданинг ўзидадур,
Ҳар на Онинг лутфида, йўқдир kami.**

Илҳомжон ШУКУРОВ,
техника фанлари номзоди, доцент

Сирли ва мураккаб

Маълумки, Аллоҳ инсонга ато этган аъзоларнинг ўз вазифаси, бажарадиган иши бор. Бир қарашда оддийдек кўринган баъзи аъзолар шунчалик мураккаб ишларни бажарадики, уни тасаввур қилиш ҳам қийин. Масалан, одам фаолиятини бошқариб турадиган миямизни олиб кўрайлик. Ана шу бир парча “лиқиллаган модда” минглаб энг “ақлли” техника бажаришга қодир бўлмаган амалларни бир зумда уддалай олади. Шу кичкина жисмдаги асаб толалари бутун ер юзидаги телефон симлари узунлигидан ҳам кўп экан. Мия икки юз минг иссиқликни, уч милён беш юз минг оғриқни сезадиган тирик ҳужайра ва бошқалардан иборат экан. Бундан ташқари, инсон миясининг ҳар куб сантиметрида 225 милён ҳужайра мавжуд. Ваҳоланки, ҳозирги ўта “ақлли” электрон машиналарнинг ҳар куб см. қисмида 2250 элемент бор. Демак, ҳар қандай электрон “мия” инсон миясидан юз минг марта соддароқ экан. Бугунга қадар миядаги ўн тўрт миллиард асаб толаларининг атиги беш фоизи, шунда ҳам ҳид, таъм билиш, оғриқ сезиш, очиқиш каби шартли кўникмаларда иштирок этадиган қисмигина ўрганилган. Инсон фаолияти давомида миясининг ярим, бир фоизини, хотирасининг беш фоизини ишлатишини инобатга олсак, у ҳали очилмаган бир мўъжиза, коинот каби сирли ва мураккаб хилқат эканига ишонамиз.

Заминни ҳимоялаш учун

Канада дорилфунуни профессори Френк Алейн шундай дейди: “Биз яшаб турган заминни ташқи самовий жисмлардан ҳимоя қилиб туриш учун қалинлиги қарийб 800 километрли ҳимоячи газлар қатлами (атмосфера) яратилган. У ҳар куни секундига (сонияда) 150 км. тезликда учиб, Ерга урилиши мумкин бўлган 20 милён дона самовий тошларни қайтариб, заминни улардан ҳимоя қилади. Бу тошларнинг ҳаммаси атмосферада парчаланиб кетади. Бундан ташқари атмосфера замин сиртида ҳаёт учун зарур бўлган иссиқ ҳароратни бирдай сақлаб туради”.

Аҳмад ТУРСУН
тайёрлади

Ушбу суҳбатни қоғозга туширишдан аввал бир неча кишига “Саҳҳоф нима дегани?” деб савол бериб кўрдим. Улардан бири: “Қадимда пул майдаловчини шундай деб аташган”, деди. Бошқа бири: “Марварид қидирувчи бўлса керак”, деб тахмин қилди. Ниҳоят, ўн икки одамдан фақат бир киши: “Китоб билан боғлиқ касб бўлса керак”, дея олди, холос. Бугунги суҳбатдошимиз ана шундай нодир касб соҳиби, моҳир саҳҳоф Маъруфжон Салимов бўладилар.

КИТОБЛАРНИНГ ИККИНЧИ УМРИ

— Аввало муштарийларимизга ўзингиз ҳақингизда гапириб берсангиз.

— Тошкент шаҳрида туғилганман. 35-мактабнинг саккизинчи синфини битириб, Камоллидин Бехзод (аввалда Бенков) номидаги рассомлик билим юртига ўқишга кирдим. 1974 йили наққошлик бўлимини битирдим. Дастлаб ёдгорликлар фабрикасида

ишлаб юрдим. Шу орада китоб тартиблаш ва безатиш ишларига қизиқиб қолдим. 1981 йили Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик илмий-тадқиқот институтига ишга таклиф этишди. Шундан буён институтда китоб таъмирлаш билан шуғулланиб келаман. Ҳозирда номи ҳам унутилиб кетган саҳҳофлик касбида ишлайман.

— Замонавий матбаа машиналари, илғор технологиялар асрида саҳҳофликка ҳам эҳтиёж борми?

— Ҳар қандай ақлли, энг янги чиққан машина ҳам қадимий қўлёзмаларни асл ҳолига кетириш, уларни қайта тиклаш ишларида инсонга тенг келолмайди. Институтда қирқ мингга яқин турли ноёб ва нодир қўлёзма, бебаҳо китоб сақланади. Уларни кўз қорачиғидай асраб-авайлаш, йиртилган, эскирган жойларини қайта тиклаш ишлари саҳҳофларга топширилган.

— Устозларингиз ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Билим юртида ажойиб наққошлар Тоир Тўхтажонбаев, Жалил Ҳакимовлар касб сирларини эринмай ўргатишди. Институтга келиб, зукко ва заҳматкаш олимлардан марҳум Шоикром қори Шоисломов, Абдулла Носиров, Убайдулла Каримовлардан кўп нарсани ўргандим.

— Китобларни қайта тиклаш унча қийин бўлмаса керак?

— Бу соҳани билмаган кишига осон туюлади. Аммо саҳҳофликда мураккаб, сердиққат иш бўлмаса керак. Айтайлик, нодир бир қўлёзmani қайта тиклаш керак бўлиб қолди. Энг аввало қоғоз танланади, кейин унга оҳор берилади. Хаттотлик иши бажарилади, яъни, хаттот



матнни хуснихат билан битади. Жадвалкашлик, наққошлик навбатдаги жараён ҳисобланади. Китоб ҳошияси белгиланади, чиройли нақшлар билан безалади. Ипак ёрдамида сатрлар оралигига мистор тортиб чиқилади. Кейин китоб муқоваси тайёрланади. У картон, чарм, ёғоч ва бошқа материаллардан ишланиши мумкин. Унга бўртма, ботиқ нақшлар туширилади, китоб номи битилади. Биргина муқова тайёрлашнинг тошкентча, бухороча, самарқандча, хоразмча, қўқонча усуллари мавжуд.

Китоб тиқишнинг ҳам ўзи хос сирлари бор. Шерозаси (тепа ва пастки қисми) қаттиқ тикилиши керак. Шундагина у бир неча аср мобайнида чидайдди, тезда сочилиб кетмайди.

— **Сўнги йилларда қандай нодир китоблар қайта тикланди?**

— Иккинчи умрини яшаётган ноёб китоблар жуда кўп. Масалан, Бурҳониддин Марғинонийнинг машҳур “Ҳидоя”си энг қадимги нусхасини қайтадан тикладик. XVI асрда Бухорода сулс ва насх хатида ёзилган Қуръони карим нусхаси ҳам бутунлай янгиланди. Бу ишимиздан собиқ муфтийлардан Зиёуддинхон ибн Эшон Бобохон ҳам жуда қойил қолиб, ҳатто каминани диний идора кутубхонасига ишга таклиф этган эдилар. IX асрда Қуръони карим ва унинг форсий таржимаси битилган китобни ҳам яқинда қайта тиклаганмиз.

— **Бир вақтлар Самарқанд, Қўқон қоғозларининг таърифи дунёни тутган эди. Қадимий китобларнинг аксарияти ана шу қоғозларга битилган. Қўлёзмаларни тиклашда ҳозир қандай қоғозлардан фойдаланяпсизлар?**

— Айтганингиздай, қоғознинг асл ватани Хитой деб тан олинса-да, Самарқанд, Қўқон қоғозлари сифати, пишиқлиги, китобат ишларига мослиги жиҳатидан жуда машҳур бўлган.

Аммо, минг афсуски, буларни ишлаб чиқариш усуллари унутилиб кетган. Миниатюрачи рассом Шомаҳмуд Муҳаммаджонов билан бирга ана шу қоғозларни тайёрлаш технологиясини топиш учун кўп изландик. Қадимий қўлёзмаларни ўрганиб чиқдик. Устазодалар, саҳҳофлар билан гаплашдик. Ниҳоят, Қўқон усулида қоғоз тайёрлашни қайта тиклашга муваффақ бўлдик. Абдумажид Мирраимов, Шомаҳмуд ва менинг номимизга 1985 йили алоҳида патент ҳам берилди. Қўлёзмалар муқовасининг ички томонига ёпиштириладиган махсус қоғоз — “абрўбаҳор” ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш соҳасида ҳам анчадан буён иш олиб бориляпти. Бизнинг бу тадқиқотларимиз ҳақида Жанубий Курия киночилари алоҳида филм тайёрлашди. Ҳозирда Япония мутахассислари ҳам қизиқишяпти. Энг қизиги Қўқон қоғозини тайёрлаш учун пахта, тут дарахти толаси, каноп, елим каби маҳаллий хомашёлардан фойдаланилган экан.

— **Ишларингиз билан хорижий кўргазмаларда қатнашмаганмисиз?**

— Биз “таъмирлаган” китоблар ва нодир қўлёзмалар Булғористон, Чехославакия каби мамлакатлардаги кўргазмаларда иштирок этган. Ўзим 1996 йили Эроннинг Қум шаҳрида очилган саҳҳофлик, наққошлик, хаттотлик ишлари кўргазмасида қатнашдим. Бу ердаги Оятуллоҳ Маръаший номидаги кутубхонада йигирма беш минг жилддан ошиқ ноёб қўлёзмалар сақланаётган экан. Уларнинг кўпи наққошлик ва хаттотлик санъатининг энг гўзал намуналаридир.

— **Самимий суҳбатингиз учун ташаккур! Хайрли ишларингизда Аллоҳ таолонинг Ўзи мадаккор бўлсин!**

Аҳмад МУҲАММАД
суҳбатлашди

* * *

Поклик фақирликнинг зийнати саналади, шукр қилиш эса мол-дунёнинг зийнати ҳисобланади.

Али ибн Абу Толиб

* * *

Одамни икки иш ҳалок қилади: “бири — халқ орасида иззатли бўлишга интилмоқ, иккинчиси — камбағалликдан кўрқмоқ. Ҳар кишининг кўнгли шикаста бўлса, шайтон унинг яқинига йўламайди.

Сухайл ибн Абдуллоҳ

* * *

Ҳисоб ва сарф муомала учун, узр ва ихлос дўстлик ҳамда муҳаббат учундир.

Муъиниддин Жувайний

* * *

Итнинг орияти келса, почта ташласанг ҳам емайди.

Маҳмуд Қошғарий

* * *

Дўст уйида меҳмон бўлган вақтингда қўлингни, кўзингни, тилингни тия бил.

Паҳлавон Маҳмуд

* * *

Золим мусулмон одил ғайридиндан ёмонроқдир

Мажид Хавофий

* * *

Бирон қоғозга қўл қўймоқчи бўлсанг, бирон одамни хафа қилиб қўймасликни ўйла.

Қози Аҳмад Фаффорий

* * *

Тириклик илм билан бўлур, роҳат маърифатда, лаззат Аллоҳни ёдида бўлур.

Абу Язид Бастомий

Соат жиринглашидан аранг кўзимни очаман. “Тонг отиб қолибди, шошилмаса бўлмайди.”

Ёстикдошимни туртаман. Болаларга овоз бераман:

— Қани, туринглар...

Аёздан ҳамма жунжикади, иссиққина кўрпанинг ичидан чиқмасам, дея хаёл қилади. Бу ёқда тонгнинг тоза ҳавоси ҳам ширин орзиқтиради. Бомдодни ўқиб, бир айланиб келганга нима етсин.

Шукр, бугун ҳам хайрли одатимиз канда бўлмади. Кўчага чиқдик. Лекин йўлакдаёқ совуқнинг захри билинди.

— Дада, совуқ, — дея чувиллашди югуришга шайланаётган болалар.

Олачалпоқ қировга термулиб, мен ҳам олдга юрдим. Узоқдан, кўча бошига ўтириб олган қорага кўзим тушди. Гуппи палтога ўралиб олганидан эркак кишига ўхшарди. Адашибман. Яқин боргач танидим: “Э, бу ҳар кун шу ерда ўтириб, майда-чуйда сотадиган ёймачи опа-ку...”

У бизга синчиклаб қаради. Турланиб боқди. Нигоҳида илтижо ҳам, зарда ҳам бордек туълди.

“Уни каллаи саҳардан бу ерда ўтиришга нима мажбур қилди экан?”

“Тирикчилик...”

“Лекин унинг бу пайтда ёймачиликдан-да муҳимроқ юмушлари бўлиши керак эмасми?..”

Қарама-қарши ўйлар оғушида аёлнинг ёнидан ўтиб кетаман.

тамиз ўспиринликни хатлаб ўтаётибди. Мўмин-қобилгинаю, гоҳида ўзининг билганидан қолмайди. Остонада онаси уни тўхтатади.

— Қани бошингга телпагинг?

— Исиб кетаман.

— Олифталикни йиғиштир, ушла буни!

Кўча тўла одам. Ҳам иш-ташвиш, ҳам қиш шоширади. Бир жойда туриш йўқ. Гўё яхлаб қоласиз. Димоғингизга қор ҳиди уради. Кўча бошига етар-етмас яна ёймачи аёлга кўзим тушади.

АЁЛНИНГ

(Бир дўстимнинг кузатишлари)

— Ҳа, нимангизни йўқотдингиз?

— Э-э...

— Манаку, ҳа, айтгандай, дастрўмонги эсингиздан чиқмасин.

Оҳорли, қўлимни силаётгандай майин рўмолчани чўнтагимга соларканман, кўнглим ёришади.

Аёлим фақат мени хайр-хўш қилиб ишга қузатмайди. Ўй-хаёли болаларни мактабга бекам-кўст жўнатиш пайида бўлади. Кат-

Барзанги бир эркакка илжайиб, сигарет узатади.

Аёлда ажаб ҳолат. У кўчадаги ҳеч бир жонни назардан қочирмайди. Каттами-кичикми, ҳаммага зингил солиб қарайди. Кўрикдан ўтказаетгандай, тарозига тортаётгандай бўлади.

Унинг бу ҳолатидан ҳар ким ҳар хил хаёлга боради. Ҳар ким ҳар хил хулоса чиқаради:

“Тирикчиликнинг айби йўқ”.

“Бунинг бошқа дарди бор...”

“Гуноҳга ботяпти-ку!”

“Гуноҳга ботиряпти-ку...”

“Рўзғорга қарашаман деса, бошқа йўли йўқмикан?”

“Бунақада оила тузалмайди, ичидан нурайди”.

Кутган одам учун вақт ўтмайди, ташвиш кўпайганида вақт етмайди. Тушда уйга кириб чиқишга тўғри келди. Эшикдаёқ аёлим кутиб олди. Ошхона томонга қарадим. Каттамиз эндигина мактабдан қайтган чоғи, тушлик қилиб ўти-



рибди. Болалар хонасидан кичигимизнинг овози келди.

— Ойи, она тилини тушунтириб юборинг.

— Ҳозир, болам.

Балконга ўтиб, уйимиз кунчиқаридаги хушманзара хиёбонга қарагим келди. Бироқ аввал икки дор симда ювилган кирларга кўзим тушди. Меники, болаларники.

Хоналарга қарайман.

«Эркаклар хотинлари устида раҳбардирлар. Бунга сабаб Аллоҳ уларнинг бировларини бировларидан (яъни, эркакларни аёллардан) ортиқ қилгани ва эркаклар (хотинлари ва оилалари учун) ўз мол-мулкларидан сарф-харажат қилганларидир. Бас, ибодат-итоатли ва (эрлари) йўқлигида Аллоҳнинг ҳифзу ҳимояти билан (эрларининг мол-мулкларини ва ўз ифбатларини) сақловчи хотинлар — яхши хотинлардир» (Нисо, 34, мазмуни).

ни елкасига юклаб олган. Шунинг орқасидангина турмуши фаровон, дастурхони тўқис-ку”, дейиши мумкин.

Мен ҳам умри кўча бошида ўтаётган аёлга ачингим келади. Бироқ унинг топаётганидан йўқотаётгани кўпроқ. Тирикчилик важидаги ҳар турли далил, баҳоналар дилимга ҳеч ҳам таскин бермайди. Эҳтимол, шу юмуши боис

УЙГА ҚАЙТИШИ

Чиннидай тоза, сокин. Беихтиёр руҳиятим кўтарилиб, кўнглимга бир хотиржамлик инади.

— Дадаси, пешинни ўқиб олайлик.

— Албатта, албатта.

— Қани, болалар, тайёрмисизлар, даданг кутиб қолдилар.

Кун ёруғ. Ҳаво илигандай туюлади-ю, барибир изғирин этни жунжиктиради. Кўчада одам сийрак. Кўча бошида эса ҳамон ўша аёл...

Ишдан кеч қайтпман. Қиш тунларини биласиз, узун. Ўнларда ярим кечага ўхшаб қолади. Битта-яримта киши зарурат юзасидан кўчага доримаса, бирон-бир зоғ кўринмайди. Рост, аёз авжида, қоронғу қуюқ бундай паллада кимса борки, бошпанасини иссиқ ва хотиржам ўйлайди. Ўлан тўшагида оёғини чўзгиси келади. Мен ҳам тезроқ уйга етиб олиш пайидаман. Ўзим билан ўзим, йўл-йўлакай эртанги кун ҳақида ўйлаб, атрофга ҳам қарамабман.



Фақат кўчамиз бошига қайриларканман, ҳамон паккасидан жилмай, собит ўтирган аёлга кўзим тушди-ю, ўйларим пароканда бўлиб кетди.

Соат тунги ўн иккига яқинлашяпти. Эрта ётганлар бир уйқусини олиб бўлди. Бу аёл эса ҳамон кўча бошида... аёзнинг зўридан қўнишибгина ўтирибди. Аммо ҳали-бери кулбасига кеткиси йўқ... Нима учун? Уйдан илон чиққанми? Шу ердан хазина топганми? Саволлар, саволлар гирдобига тортади...

Кимдир: “Бунинг нимаси ёмон. Бу аёлни ҳеч ким айблашга ҳаққи йўқ. У ҳам бир фидойи, бола-чақа ташвишида бу азоб-

аёлнинг моддий турмуши тўқис, остонаси тиллодан бўлиб бораётгандир. Аммо маънавий ҳаёти, оилавий муҳити гўзал эканига ишонмайман. Аёлсиз уй уйми? Қачон қараманг, аёл кўча бошида экан, унинг эри, болалари ҳаётида бир бўшлиқ пайдо бўлади. Қалбларида дарз устига дарз тушади. Бу бўшлиқнинг ўрнини ҳеч ким тўлдира олмайди. Бу дарзни ҳеч нима билан бутлаб бўлмайди. Фақат... аёлнинг уйга қайтиши бу бўшлиқни тўлдириши ва бу дарзни бутлаши мумкин...

Вафо ФАЙЗУЛЛО

ГЎЗАЛ БИР ХОТИРА

Инсон умри воқеа-ҳодисаларга тўла. Улар хилма-хилдир: яхши-ёмон, кўнгилли-кўнгилсиз, баъзилари эсда қоладиган, айримлари оқин сувдек изсиз, тез ўтиб кетадиган. Беқарор инсон зоти ўз ҳаётида кечган, нурли қалбига шавқ индиргувчи хотираларни асло эсдан чиқармаса керак...

Бир куни «Чорсу» меҳмонхонаси рўбарўсида китоб савдоси билан шуғулланиб юрувчи Мақсудхон ҳожи отанинг олдига борсам, шаҳар кўркига зеб бериб турган, шарқона меъморлигимизнинг нодир намунаси бўлмиш “Кўкалдош” мадрасасига ишоратан гўзал бир хотирани сўзлаб қолдилар.

«Бу бино советлар замонида не-не кўргиликларни бошидан кечирмади. Оёқ ости бўлди. Бунда бир муддат “қўноқ” бўлмаган ташкилотнинг ўзи қолмади, келадикетади, ҳатто меҳмонхона ҳам бўлган... Ўша мустабид тузум давридаги Ўзбекистон раҳбарларидан бирининг олдига келган хорижлик нуфузли бир меҳмон “Кўкалдош”ни сўраган экан, шошиб қолибди. Қайда эканини билмас экан-да. Ёрдамчисини чақиртириб, бир амаллаб манзилни — мана шу “Кўкалдош”ни топиб беришган экан.

Ҳозир энди бошқача...

Шукрим, бу мадрасаяна ўз номига лойиқ мавқега кўтариляпти.

Биласизми, ука, 1991 йил кузи эди, шу мадраса олдида китоб сотиб ўтирсам, пешин маҳали қоровули шошилиб келди-да:

— Ака, рухсат берилди, рухсат берилди, ака! Намоз ўқишга рухсат берилди! — деб қолди ҳаяжонланиб.

Шукр, дедим. Алҳамдулиллоҳ, дедим. Сўнгра ҳалиги қоровул йигит пешин намозига даъват этди. Тўғриси, қувончдан бошим осмонга етди. Бир биродарим Ленинграддан совға учун олакелган чиройли, қимматбаҳо жойнамозим бор эди. Қуруқ бормаи, деб шу жойнамозни кўлимга олиб, пешин намози учун мадраса олдига чиқдим, масжидга кирдим. Ҳа, ука, узоқ — бир неча ўн йиллик танаффусдан сўнг “Кўкалдош” мадрасасининг хонақоҳига илк бор жойнамоз ёзган мен бўлдим. Шу жойнамозни Аллоҳ йўлида эҳсон қилиб юбордим.

Буни қарангки, ўша куни уч-тўрт киши саждага бош қўйиб, холис дуолар қилган эдик. Ижобат бўлди. Аллоҳга ҳар иш осон-да. Аввалига ўнлаб, сўнгра юзлаб намозхонлар “Кўкалдош”га оқиб келишди. Маърузалар бўлди, жума намозлари ўқилди... Худога шукр, мана, ҳозир бу ерда кўп талабалар таҳсил олишмоқда, таъмирлаш ишлари ҳам давом этиб турибди. “Ҳидоят” журналининг таҳририяти ҳам шу ерга кўчиб келибди...”

Азиз мухлис биродарим, биласизми, мен ҳам бундан ўн икки йил муқаддам кечган бу воқеани тасаввур этиб, қалбимда бир энтикиш, бир шодлик ҳис этдим. Зеро, ҳақиқий мўмин-мусулмон зотларнинг дуолари ижобатли, пойқадамлари хайрлидир.

**Баҳодир
НУРМУҲАММАД**

Ўзбекистон халқ шоири Миртемирнинг ушбу шеъри даҳрий советлар замонида, яъни, 1975 йили ёзилган. Зеро, халқимиз қалбида илм-маърифатга интилиш ва эҳтиром ҳеч қачон сўнмаган. Бугун эса, алҳамдулиллаҳ, “Кўкалдош” каби ўнлаб мадраса талабалар, устозлар билан гавжум.

МИРТЕМИР

Кўкалдош

Ёйилиб ётибди бу қадимий Шош,
Ҳали мўл жин кўча,
лойшувоқ томлар,
Бошларидан кечмиш не шум айёмлар,
Ўртада парпирар кўҳна Кўкалдош.

Бу — қадим шаҳарда сир тўла савлат,
Қўз олгувчи сир бу, кўз олгувчи аср.
Ўзи жаранг ғазал, ўзи жаранг наср,
Бинокор закоси, сўнмас бир шавкат.

Ўраб келур не-не миқти кошона.
Демагин: ушоққа ўхшаб қоляпти,
Жўн бир ўйинчоққа ўхшаб келяпти...
Зукко боболардан зебо нишона.

Лой, чанг, бўғиқ олам
чекинур кам-кам,
Сўлим, яшил дунё суриб келмоқда.
Ёруғлик барқ уриб, қуриб келмоқда,
Қинғир кўчалардан қолмагай из ҳам.

Яшаркан дўстликнинг порлоқ дунёси,
Яшаркан пойтахтим —
бу оқсоқол Шош,
Яшагай ярқираб ажиб Кўкалдош,
Асрий саройларнинг улуг бобоси...

Шеър матни шоирнинг 1990 йили Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган “Оҳ, менинг ўзбаки юрагим” китобидан олинди (217-бет).

Мавзуга оид сурат-лавҳалар муқованинг 3-бетида